

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
факультет

“МҒМАҲТ”  
кафедраси

5111600 “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ  
таълими” йўналиши IV курс 62-14 гуруҳ талабаси

**АШУРБОЕВ ЖАВЛОНБЕК**нинг

**ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ**  
**МЕРОСИДА МИЛЛИЙ**  
**УРФ-ОДАТЛАР ТАЛҚИНИ**

мавзусида ёзган

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Ҳимоя учун қабул қилди:**

“МҒМАҲТ” кафедраси  
муdiri, ф.ф.н., доцент  
С.Исмоилов \_\_\_\_\_

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

**Илмий раҳбар:**

“МҒМАҲТ” кафедраси  
ўқитувчиси О.Юсуфалиев  
\_\_\_\_\_

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

Гулистон-2018

# **Мавзу: ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ МЕРОСИДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ТАЛҚИНИ**

**Р Е Ж А :**

**КИРИШ**

**I-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ  
МЕРОСИ**

1.1. Усмон Қорабоев фаолиятининг қирралари.

1.2. Усмон Қорабоевнинг илмий мероси.

**II-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА  
МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ТАЛҚИНИ**

2.1. Усмон Қорабоев миллий байрамлар ҳақида.

2.2. Усмон Қорабоев урф-одатлар ҳақида.

**III-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ЭТНОГРАФ ВА  
МАДАНИЯТШУНОС ОЛИМ**

3.1. Усмон Қорабоев етук этнограф.

3.2. Усмон Қорабоев маданиятшунос файласуф.

**ХУЛОСА.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**ИЛОВАЛАР**

## КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”<sup>1</sup>.

Бой тарихимиз қаъридан бизларга ҳалигача йўлчи юлдуз, маёқ вазифасини ўтаётган аждодларимиз меросига яна такрор ва такрор мурожаат этиш, уларни ижодида қуйланган юксак инсоний фазилатларни эгаллашга ўрганишимиз керак. Бу жараёнда эса халқимизнинг умуминсоний қадриятларга тўла мос келадиган миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаш жараёнини янада яхшиланишига олиб келади.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўпгина миллий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустақиллик», «миллий ифтихор», «миллий ғурур» каби кўплаб тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бундай атамаларни қайта тикланиши ва илмий жамоатчилик ва кенг халқ оммаси орасида тез оммалашиб кетиши, теран илдиз отишида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 113-бет.

тикланиши, миллий ғурур, миллий ўзлигимизнинг англашимизнинг тобора юксалаётганлигини фахр ва ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда.

“Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси ниҳоятда теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоқда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги-мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашни ошириш, аҳолининг сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Биринчи Президент Ислоом Каримов.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Биринчи Президент Ислоом Каримов таъкидлаганларидек: “Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам - медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди”<sup>2</sup>-деб ёзади. Шундагина инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 140-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий кадрят. -Т.: Ўзбекистон, 2006. 117-бет.

“Фалсафа” фани барча замонларда ва мамлакатларда ҳамма университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ўрганиш учун мажбурий саналган фундаментал фанлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятига чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади”<sup>1</sup>.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг теран илдизлари мавжуд бўлиб, истиқлол мафкурасининг шаклланишида унинг тарихий илдизлари билан биргаликда фалсафий илдизлари ҳам унинг шаклланишига кучли таъсир этган. Мустақиллик даврида миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши билан бир вақтда унинг фалсафий илдизларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ижтимоий соҳанинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг теран илдизлари мавжуд бўлиб, истиқлол мафкурасининг шаклланишида унинг тарихий илдизлари билан биргаликда фалсафий илдизлари ҳам унинг шаклланишига кучли таъсир этган. Мустақиллик даврида миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши билан бир вақтда унинг фалсафий илдизларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ижтимоий соҳанинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан – кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг фалсафий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятда ўтказилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг

---

<sup>1</sup> Президент Ислам Каримовнинг “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Халқ сўзи” 16.05.2014. 2-бет.

маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни республикамызда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Мустақиллик даврида бу борада катта ишлар бажарилди. Бироқ, хали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Миллий-маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз Республикамыз олимлари томонидан изчил ўрганиб борилмоқда. Улар қаторида ҳақли равишда Сирдарёдан чиққан таниқли файласуф Усмон Қорабоев ҳисобланади.

**БМИнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу битирув-малакавий ишнинг мақсади Сирдарёдан етишиб чиққан таниқли файласуф олим Усмон Қорабоев фалсафий-илмий меросида урф-одатлар талқинини тадқиқ этишдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўз олдимишга қуйидагиларни вазифаларни қўйдик:

- Усмон Қорабоев ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш;
- Усмон Қорабоев илмий-фаолиятидаги йўналишларини аниқлаш;
- Усмон Қорабоевнинг илмий меросини ўрганиш;
- Усмон Қорабоевнинг ўзбек фалсафасига қўшган хиссасини тадқиқ этиш;
- Усмон Қорабоевнинг йирик илмий асарлари ҳақида маълумот ва шарҳ бериш;
- Усмон Қорабоев илмий меросининг миллий истиқлол ғоясининг шаклланишини ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрнини кўрсатиб бериш ва бошқалар.

### **БМИдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.**

Битирув-малакавий ишимизда замонавий ўзбек фалсафасининг таркибий қисми бўлган сирдарёлик етук файласуф олим Усмон Қорабоевнинг илмий меросини тадқиқ этиш, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Булардан ташқари, Усмон Қорабоев

---

<sup>1</sup> Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 6 бет.

фалсафий тафаккурининг шаклланиши ва унинг аҳамияти ёритишга ҳаракат қилдик. Мустақиллик фалсафасининг шаклланиш жараёнини, унинг йўналишлари тарихини таҳлил қилган ҳолда, Усмон Қорабоев фалсафасининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритамиз. Мавзуни ёритишда Президентлар асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан ва Усмон Қорабоевнинг тадқиқот ишлари ва бир қатор илмий мақолалар, Интернет сайтларидаги маълумот ва хабарлардан имконият даражасида фойдаландик.

**БМИнинг амалий аҳамияти.** Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистон тарихи”, “Адабиётшунослик”, “Маданиятшунослик” ва бошқа ижтимоий фанлардан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари умумтаълим мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

**БМИ тузилиши.** Мазкур битирув-малакавий ишимиз: Кириш, уч боб, олти параграф, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 67 бетни ташкил этади.

# I-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

## 1.1. Усмон Қорабоев фаолиятининг кирралари.

Ҳар бир фалсафий мактабни, гарчи у кичик мактаб мақомида бўлса ҳам унинг карвонбошиси, етук намоёндаси бўлади. Шу маънода Сирдарё фалсафа мактабининг дарғаларидан бири дея сўзсиз, Республикамиздаги таниқли файласуф олим, Иброҳим Мўминов фалсафа мактабининг типик факили, фалсафа фанлари доктори, профессор Усмон Ҳосилович Қорабоевни айтишимиз мумкин.

“Илмий мактаб дегани етук олимлар жамоасидан иборат илмий муассасаларда-махсус бўлим, олий ўқув юртларида эса кафедралар бағрида камол топади”<sup>1</sup>-деб ёзади таниқли замондошларимиздан бири Умарали Норматов.

Ҳа, жаҳон тажрибасида синалган йўллардан бири, бу ҳар бир илмий йўналишни, мактабни асослари олий ўқув юртларида, жумладан унинг таркибий қисми бўлган кафедралар негзида шаклланади. Шу манода “Сирдарё фалсафа мактаби” ҳам воҳадан етишиб чиққан ўзининг забардаст файласуфларидан иборатдир. Айтиш мумкинки, айти пайтга қадар Сирдарёда туғилиб фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олган 3 нафар олимлар: Ҳайдар Алиқулов (1984), Усмон Қорабоев (1994) ва Абдувоҳид Очилдиев (2009), 10 дан ортиқ фалсафа фанлари номзодлари бор.

Улар орасида сўзсиз Усмон Ҳосилович Қорабоев алоҳида ўрин тутадиган, Республикамиздаги кўзга кўринган файласуф олимлардан биридир.

Академик Иброҳим Мўминов асос солган ўзбек миллий фалсафа мактабининг ҳақиқий давомчиси, етакчи ва забардаст олимларидан бири

---

<sup>1</sup> Олим адашса-олам адашар. Адабиётшунос олим Умарали Норматов билан суҳбат. “Тафаккур”. 1/2014. 5 бет.



сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда илм ахлига маданият назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича яхши таниш бўлган фалсафа фанлари доктори, профессор Усмон Ҳосилович Қорабоевдир.

Усмон Ҳосилович Қорабоев 1951 йил 2 декабрь куни Сирдарё туманидаги “Малик” жамоҳўжалигида туғилган. Туманда ўрта мактабни тугаллаб, 1970 йил Тошкент Театр ва россомчилик институтининг Маданият ишлар факультетига ўқишга кирган. Уни 1974 йилда ушбу институтни муаффақиятли битириб, 1976 йилда Ленинград давлат маданият институтининг аспирантурасига кирган. Ушбу аспирантурани 1979 йилда тугатиб, педагогика фанлар номзоди илмий даражасини олган.

Усмон Ҳосилович Қорабоев “Анъанавий халқ маданияти: вужудга келиш ва ривожланиш тамойиллар” мавзусида 1994 йил 17.00.08 - Маданият назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражасини ёқлаган.

Айни кунгача Усмон Ҳосилович Қорабоевнинг 200 дан ортиқ илмий-ишлари нашр этилган. У кишининг “Этнология” ўқув қўлланмаси олий ўқув юрти, академик лицей, касб-хунар коллежи, умумтаълим мактаб талаба-ўқувчилари, ўқитувчилари учун қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

Юксак салоҳиятли олим ўзининг меҳнаткашлиги, камтарлиги билан ўз ҳамкасблари орасида обрў ва ҳурматга сазовор инсон. Ўзининг фидокорона меҳнати, дарслик ва қўлланмалар яратишдаги хизматлари ҳамда фалсафа фани ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони ҳамда Ўзбекистон фалсафа жамиятининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ушбу ўринда ёш файласуф олим Б.Боймуродовнинг бир ихтибосини келтириб ўтиш ўринлидир:

“Бизга маълумки ҳар бир халқ ва муайян этносларнинг бошқалардан ажралиб турувчи ўзига хос жиҳатлари бўлади, хўш форишликларда бу нималарда кўринади:

*Биринчидан*, табиий иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда форишликлар қаерда яшашидан қатъий назар деҳқончилик ва чорвачиликка алоҳида урғу беришади.

*Иккинчидан*, шевасининг ўзига хослиги, бошқа уруғларни хайратга солиши билан бир қаторда, жумлаларни бўрттириб гапирсалар-да самимийлик билан дил изҳорларини айта олиши ўзгаларда меҳр уйғота олади.

*Учинчидан*, тоғли халқ удумларига асосан тоғли бўлмаган ҳудудларда истиқомат қилувчи форишликларнинг тўй-у байрамлари ҳам улоқ-кўпқарисиз ўтмайди.

*Тўртинчидан*, албатта деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган ҳудудларда биламизки аҳолининг турмуш тарзи ҳам нисбатан юқори бўлади. Аҳоли ўзига тўқ бўлгандан сўнг илм-маърифатга бўлган қизиқиши, нафақат қизиқиши балки зиё-маърифат тарқатиши ҳам юқори савияда бўлади.

*Бешинчидан*, бажараётган барча ишларини босқичма-босқич узоқни мўлжаллаган ҳолда, изчилликда, ўзаро боғлиқликда, тартибли режа асосида амалга оширадилар.

*Олтинчида*, форишликлар одамохунликни, меҳмондўстликни, бир сўзликни, дангалликни умуман шинавандаликни ёқтирадилар ва қадрлайдилар.

*Еттинчидан*; гина-кудрат сақламасликка ҳаракат қилади. Дўстларига юрагини, қалбини бахшида этадилар.

Фориш халқининг нафақат Мирзачўлни ўзлаштиришга, балки бел боғладилар, балки таълим тараққиёти - жамият тараққиёти эканлигини чуқур англаган ҳолда, нафақат Сирдарё воҳасида балки юртимиз таълимига ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшган Рисбой Жўраев, Ёвқочди Ҳайдаров, Тошназар Омонжулов, Анвар Жавлонов, Абдураим Тишликов, Баҳодир Бобохонов ва ҳозирда ўзининг илғор тажрибаларини ёш авлодга етказиб беришда толмай меҳнат қилаётган таниқли тарихчи олим Темур Ширинов ва файласуф олим Усмон Қорабоевларнинг номини алоҳида тилга олиш,

уларнинг таълим соҳасидаги амалга оширган ишларини бугунги кунда ёш авлодлар онгига ва қалбига етказиб бериш ва бундан фахр туйғусини уйғотиш ўринли ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Усмон Ҳосилович Қорабоев ҳаёт-фаолияти серқирра бўлиши билан бирга, унинг илмий йўналишлари ҳам ранг-барангдир. У моҳир педагог, тажрибали элшунос-этнограф, санъатшунос, маданиятшунос, байрамшунос, одатшунос, файласуф, кадриятшунос, нафосатшунос олимдир. Унинг ҳаёт фаолияти олиҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Биз ўз БМИда забардаст олимнинг айрим қирраларинигина ёритишга ҳаракат қилди. Қолган қирраларини кашф тишни келгуси тадқиқотлар ҳукмига хола қилиб қоламиз.

Таниқли олимнинг ҳозирги вақтда айна куч-қувват ва ғайратга тўлган пайти. У диёримиз илм-фани равнақи йўлида тинмай меҳнат қилмоқда.

---

<sup>1</sup>Одамийлик пири. (Устоз Баҳодир Бобохонов ҳақида хотиралар). –Гулистон: Университет, 2015. 32-33-бетлар.

## 1.2. Усмон Қорабоевнинг илмий мероси.

Усмон Ҳосилович Қорабоевнинг умумий илмий ишлари миқдори аллақачон 200 дан ошиб кетган. Китоблари сони 30<sup>1</sup> дан ортиқ. Улардан энг асосийларини қуйида номларини келтирамиз:

1. Қорабоев У. Бадиий-оммавий тадбирлар. -Т.: Ўқитувчи, 1986. -249 б. (13 б.т.).
2. Қорабоев У. Табиат байрамлари.-Т.: Меҳнат, 1988. -80 б. (4 б.т.).
3. Қорабоев У. Бўш вақт ва дам олиш маданияти. -Т.: Ўзбекистон, 1989. - 88 б. (4.5 б.т.).
4. Қорабоев У. Наврўз-халқ байрами. -Т.: 1990. -48 б. (3 б.т.).
5. Қорабоев У. Традиционное народное творчество: проблемы возрождения и развития. -Т.: Фан, 1991. -108 с. (17п.л.).
6. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. -Т.: Ўқитувчи, 1991. -192 б. (15 б.т.).
7. Қорабоев У. Традиционная народная культура как социально-духовное явление: Учебное пособие. -Т.: 1991. -143 с. (8 п.л.).
8. Қорабоев У. Организация художественно-массового мероприятия. -Т.: РНМЦ, 1978. -26 с. (1.5 п.л.).
9. Қорабоев У.Х.Клубда маданият-оммавий тадбирларни ташкил қилиш жараёни. -Т.: 1986. -38 б. ( 2.5 б.т.).
10. Қорабоев У. Биринчи қадам. -Т.: 1986. -15 б. (1 б.т.).
11. Қорабоев У. Пахтакорлар байрамлари. -Т.: 1986. -15 б.(1 б.т.).
12. Қорабоев У. Азалий ва абадий қадрият. -Т.: Республика маънавият ва маърифат маркази, 1995. -20 б.(1.85 б.т.).
13. Қорабоев У. Извечные ценности. -Т.: Республиканский общественный центр «Духовности и просветительства», 1995. -13 с. (1 п.л.).
14. Қорабоев У. Узбекские семейные обряды. -Т.: 1995. -23 с. (1.5 п.л.).
15. Қорабоев У. Празднично-брядовая культура. –Т.: 1997. 16 с. (1п.л.).

---

<sup>1</sup> Усмон Ҳосил ( Усмон Қорабоев). Одатнома. -Т.: “Ўзбекистон”, 2016. 6-бет.

16. Энг қадимий одатлар. -Т.: ОЎМТВ, 2000. -32 б. (2.б.т.).
17. Қорабоев У. Наврўз. -Т.: Академия, 2000. - 24 б. (1.5 б.т.).
18. Қорабоев У. Халқ ўйинлари. -Т.: 2001. -55 б. (3 б.т.).
- 19.Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002. -255 б. ( 26 б.т.).
20. Қорабоев У. Маданий тадбирлар. -Т.: 2003. -320 б. (16 б.т.).
21. Усмон Ҳосил ( Усмон Қорабоев). Одатнома. -Т.: “Ўзбекистон”, 2016. -360 б. ( 28 б.т.).

Улардан энг фундаментал аҳамиятга эга бўлган, иккитасини: 1991 йилда “Ўзбекистон байрамлари” номида “Ўқитувчи” нашриётида 12 босма табоқ хажмида 18 минг нусхада ва 2002 йилда “Ўзбек халқ байрамлари” номида қайта “Шарқ” нашриётида 25 босма табоқ хажмида минг нусхада чоп этилган монографияси ва 2016 йилда “Одатнома” номида “Ўзбекистон” нашриётида 28 босма табоқ хажмида 3 минг нусхада чоп этилган монографияларининг қисқача мазмунини баёт этамиз.

### **“Ўзбек халқ байрамлари”<sup>1</sup> китоби**

Энг қадимги даврлардан байрамлар инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зеро уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир.

“Байрам - халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир”, - деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий. Дарҳақиқат, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтилган йўлни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан руҳланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

Байрамларни нишонламайдиган шахс, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ҳам ўз байрамлари бўлади. Кейинги даврларда халқаро даражада нишонланадиган умуминсоний байрамлар тобора кўпаймоқда.

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002. 3-6-бетлар.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларнинг ҳам энг қадимий даврлардан шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган байрамлари кўп. Бу байрамларнинг маълум қисми тарихнинг “совуқ шамоллари” - босқинчилик сиёсати ва турли ҳукмдорлар тазйиқига учраб, ноҳақ йўқотилган, айримлари эса қарама-қаршиликларни енгиб, кўпгина фазилатларидан ажралса-да, бутунлай йўқолиб кетмаган. Баъзилари эса халқ ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиб, бизнинг замонамизгача етиб келган.

Азалдан меҳмондўст саналган ўзбек халқининг байрамлари бошқа эллар билан тарихий-маданий алоқалар жараёнида ривож топган ва бевосита уларнинг байрамларига таъсир этган ҳамда улар таъсирида бойиган.

Мустақиллик шарофати билан одат, маросим ва байрамлар илдиз тарихи, уларнинг халқимиз маданий ҳаётидаги ўрни ўрганила бошланди, қадриятларимиз улуғланди. Бу борада эълон қилинган рисола ва мақолалар байрамларнинг айрим муаммоларини тадқиқ этишни тақозо этади. Бироқ ўзбек халқи байрамлари тарихи, анъаналари ва ҳозирги ҳолати атрофлича кенг ўрганилган эмас. Қадимги ва ҳозирги байрамларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, муаммолари ҳақида махсус монография, илмий-оммабоп китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш тарихий заруриятдир. Чунки халқ ўз Ватанида пайдо бўлган, аجدодлари нишонлаб келган ва ҳозирги пайтда нишонланаётган байрамларнинг тарихи ва анъаналарини билмоғи керак. Бу айниқса, зиёлилар, ўқитувчи ва талабалар, маданият ходимлари, байрам ва тадбирлар ташкилотчилари учун жуда зарур. Мазкур китоб мамлакатимизда байрамларга бўлаётган катта эътибор ва ҳаётий эҳтиёж асосида пайдо бўлди.

“Ўзбек халқи байрамлари” китобини яратиш жараёнида кўплаб манбаларга мурожаат қилинди. Байрамларга оид Ўзбекистон Қо **нунлари**, **Ўзбекистон Президенти Фармонлари**, Вазирлар Маҳкамаси **Қарорлари** каби **директив** ҳужжатларга асосланилди. Республика Президенти

И.Каримовнинг тантанали байрамларда сўзлаган нутқларидан фойдаланилди.

Ватанимизда йирик байрамларни ташкил қилиш бўйича Республика кенгашлари, **Республика** Маънавият ва маърифат **Кенгаши маълумотлари хам муҳим манба бўлиб хизмат қилди.**

Китоб яратилишида тарихий манбаларга ҳам катта эътибор берилди.

Археологик қазилмаларда топилган осори атиқалар, қадимги қўлёзмалар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ижоди намуналари, ҳозиргача сақланиб қолган кўхна одатлар қолдиқлари ўрганилди.

“Авесто”, “Қуръони карим”, “Ҳадис” каби қадимги тарихий манбалар азалий байрам ва маросимларни ўрганишда бебаҳо восита бўлди.

Шарқ мутафаккирлари Фирдавсий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бехбудий, Ҳамза, Фитрат ва бошқаларнинг байрам-маросимларга оид мулоҳазалари тадқиқотимизга мустаҳкам пойдевор бўлди.

Қадимги Ғарб тарихчи-олимлари Геродот, Страбон, ўтган замонларда Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган сайёҳлар Ибн Батута, Клавихо, Ҳ.Вамбери; хорижлик олимлар В.В.Бартольд, Н.Я.Бичурин, С.П.Толстов асарларидаги маълумотлар байрамларни ўрганишда яхши манба бўлди.

Ҳозирги давр мутахассисларининг илмий, адабий, ўқув қўлланмаларидаги анъана, одат, маросим, байрамларга оид киритилган маълумотлар ушбу китобни бойитди. Жумладан, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Муродов, М.Жўраев сингари фольклоршунос; М.Қодиров, М.Раҳмонов, Р.Абдуллаев, Б.Шодиев, Д.Рахматуллаева сингари санъатшунос; И.Жабборов, А.Мазаев, Ғ.Нажимов каби файласуф; Б.Аминов, О.Бўриев, А.Ашуров каби тарихчи; С.Олим, Ғ.Ғафуров, Ғ.Соатов каби адабиётшунос; Д.Генкин, Б.Сайфуллаев, Ҳ.Исмоилов каби педагог ва бошқа соҳа олимларининг ишларидан фойдаланилди.

Оммавий ахборот воситалари, ЎЗА маълумотлари, жумладан “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳамда бошқа

газета ва журналларнинг байрамларга оид репортаж, материаллари ушбу китоб учун муҳим манба бўлди.

Шунингдек, республикада ўтказилаётган йирик байрам ташкилотчилари - ташкилий ва ижодий гуруҳ раҳбарлари: Б.Абдурахимов, К.Расулов, Ш.Жалилов; сценарий муаллифлари: Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Йўлдош Муқим, Ж.Жабборов; режиссёрлар: Р.Ҳамидов, Б.Йўлдошев, Э.Колосовский, Н.Отабоев, А.Раҳимов, М.Азимов, Б.Ҳамидов ва бошқалар фаолияти ҳақидаги материаллар ва улар билан бўлган шахсий мулоқот натижаларидан фойдаланилди.

“Ўзбек халқи байрамлари” китоби йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида олиб борилган изланишлар натижасидир. Бунда Ўзбекистоннинг турли жойларида юзлаб оммавий байрамлар кузатилди ва улар ташкилотчиларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Республиканинг Ургут, Фориш, Бахмал, Чуст, Тошкент, Бухоро, Наманган каби жойларида кўплаб қариялар билан суҳбат ўтказилиб, улардан анъанавий халқ байрамлари ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб олинди.

Муаллифнинг “Бадий-оммавий тадбирлар” (1986 йил), “Табиат байрамлари” (1988 йил), “Бўш вақт ва дам олиш маданияти” (1989 йил), “Ўзбекистон байрамлари” (1991 йил), “Азалий ва абадий қадриятлар” (1995 йил), “Наврўз” (2000 йил) номли қатор асарлари мазкур китобнинг яратилишига замин яратди.

Маълумки, байрамлар соф ҳолда учрамайди. Ана шуни ҳисобга олиб, байрамларни вужудга келтирувчи манбаларга, жумладан, эҳтиёж, мазмун, ғоя, шакл ва тадбирларга алоҳида аҳамият берилади. Чунончи байрам эҳтиёжи, мазмуни, ғояси, шакллари ҳамда “байрам тадбирлари”, “байрам ҳолати”, “байрам кайфияти” назариясига таяниб, байрамлар билан боғлиқ ёки уларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўладиган анъана, одат, маросим, томоша, ўйин, тўй, сайил, намойиш, тантанали кеча, фестиваль, олимпиада, декада ва юбилейлар ҳам ўрганилади.



“Ўзбек халқи байрамлари” китоби тўрт қисм ва 13 бобдан ташкил топган. Китобнинг биринчи қисмида байрамларнинг назарий асослари, тушунча ва моҳияти, асосий хусусиятлари, ўзбек халқи байрамларини ўрганиш зарурияти ҳақида сўз боради.

Китобнинг иккинчи қисми ўзбек халқи байрамларининг тарихига бағишланади. Унда байрамларнинг энг қадимги ва ҳозирги давригача бўлган таракқиёт йўли хронологик нуқтаи назардан ўрганилади. Жумладан, энг қадимги одатлар (ибтидоий одатлар, қадимий эътиқодлар асосида пайдо бўлган маросимлар); антик давр байрамлари (зардуштийлар одатлари, байрам тақвимлари); ўрта аср байрамлари (исломий маросимлар, халқ байрамлари, теурийлар даври байрамлари); XVI-XIX асрдаги мавсумий халқ байрамлари, томошалари; XX асрдаги миллий уйғониш даври, шўролар тузуми давридаги байрамлар, шунингдек, мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки давридаги байрамлар тўғрисида фикр юритилади.

Китобнинг учинчи қисми анъанавий халқ байрамларига, яъни ўзбек байрамларининг асосий турларига бағишланади. Бунда байрамлар шартли равишда 3 га бўлиб тадқиқ этилади. Биринчи бобда мавсумий байрамлар (бахорги: Наврўз, Сумалак сайли, Гул сайиллари; ёзги: Сув сайли, Тут сайли, Кум сайли; кузги: Меҳржон, Қовун сайли, Узум сайли, Анор ва анжир сайиллари, Ҳосил тўйи; қишки: Биринчи қор, Ялдо кечаси ва Қишки чилла, Гап-гаштак) ўрганилади. Иккинчи боб ўзбек оилавий маросимларига бағишланади.

Бунда чақалоқ чилла, исм қўйиш одатлари, туғилган кун, бешик тўйи, Биринчи қадам байрами, суннат тўйи, мучал ёши; ўзбек тўйлари: никоҳ тўйлари, кумуш, олтин ва олмос тўйлар, қариялар байрамлари ҳақида сўз боради. Учинчи бобда диний байрам ва уларнинг асосий турлари (Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, Лайлат ул-қадр, Меърож, Мавлуд, Ашуро, Жума куни) тадқиқ этилади.

Китобнинг тўртинчи қисми замонавий байрамларга, жумладан, мустақиллик даври байрамларига бағишланади. Бунда энг аввало ижтимоий

байрамлар - Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Конституция куни ва Ватан тимсоллари байрамлари, Янги йил байрами, Хотин-қизлар байрами, Хотира ва кадрлаш куши, Қатағон қурбонларини ёд этиш куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамларига эътибор қаратилади. Ундан сўнг маданият байрамлари (Халқаро маданият байрамлари, буюк сиймолар таваллудлари, қадимги шаҳарлар юбилейлари ва тарихий қадриятларга оид тадбирлари) ва маърифий байрамлар (мактаб ўқувчилари байрамлари: Биринчи кўнғироқ, Алифбе байрами, Сўнгги кўнғироқ ва Битирув кечаси; Талабалар тадбирлари: талабаликка қабул қилиш маросими, диплом топшириш маросими) ва спорт байрамлари (халқ ўйинлари, кураш байрами, теннис байрами, олимпиада кабилар) ўрганилади. Китобнинг кейинги бобида - меҳнат ва табиат байрамлари (деҳқончилик байрамлари: уруғ қадаш маросими, “Оқ олтин” карвони, ҳосил байрами, саноат ходимлари байрамлари: меҳнат жамоасига қабул қилиш маросими, маҳорат танловини ўтказиш, тадбиркорларга бағишланган тантаналар, авлодлар учрашуви тантанаси, илғор ишчи, ходим ни нафақага кузатиш, касб-кор кунлари, табиат байрамлари: табиатсеварлар кўриклари, гуллар ва кушлар байрамлари) махсус ўрганилади.

Китобда Ўзбекистонда нишонланадиган байрамлар ва муҳим саналар календар (тақвим)и ҳам илова қилинади.

### **“Одатнома”<sup>1</sup> китоби**

Ушбу асар учун 2006 йилги лойиҳага кўра қуйидаги режа ва вазифалар белгилаб олинган эди.

1 боб. Табиат билан боғлиқ одатлар;

2 боб. Меҳнат анъаналари.

3 боб. Оилавий маросимлар.

4 боб. Ижтимоий анъаналар мавзуларига доир маълумотлар йиғиш, қўлёзма нусхасини тайёрлаш.

5 боб. Маданий ва маърифий одатлар.

---

<sup>1</sup> Усмон Ҳосил (усмон Қорабоев).Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2016.

6 боб. Диний маросимлар мавзуларига доир маълумотлар йиғиш, кўлёзма нусхасини тайёрлаш.

7 боб. Миллий таомлар.

8 боб. Халқ ўйинлари мавзуларига доир маълумотлар йиғиш, кўлёзма нусхасини тайёрлаш.

9 боб. Анъанавий масканлар ва анжомлар.

10 боб. Турли иримлар мавзуларига доир маълумотлар йиғиш, кўлёзма нусхасини тайёрлаш.

Анъаналар халқнинг тарихий шаклланиш ва ривожланиши белгиси, яратилган ва авлодлардан авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади.

Ўз одатларига эга бўлмаган халқ йўқ. Энг қадимий халқлардан бири ҳисобланган ўзбекларнинг анъаналари тарихий зарурият асосида вужудга келган, замон чиғириқларидан ўтиб, муҳим маънавий қадрият сифатида раванқ топган. Бироқ, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ анъаналари шўролар даврида жиддий тўсиқларга учради. Шунга қарамай, ўзбек халқи ўз анъаналарини гоҳ яширин, гоҳ ошқора асраб-авайлаб келди, давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг эса уларга эҳтиёж кучайиб, уларни қайта тиклаш учун ҳаракат бошланди.

Тарихий одатларни билмоқ, зарарлиларига қарши курашмоқ, ноҳақ унутилганларни тикламоқ, энг ҳаётбахшларини ривожлантирмоқ керак.

Ўзбек анъаналарини тарихий манбалардан топиш, тиклаш, сақлаш ва бу ҳақда фундаментал қомусий (энциклопедик) асар яратиш учун қуйидаги ишларни амалга оширмоқ лозим:

1. Табиат билан боғлиқ одатлар ўзбек халқининг асосий одатлари ҳисобланган. Ҳар йил фаслининг ўзгариши янги одатни келтириб чиқарган. Баҳорда кишилар қўш қўшиш, дон сепиш одатлари, ёзда буғдой ўриш, дон янчиш одатлари, кузда ҳосил йиғиш одатлари, қишда эса янги ҳосилга тайёргарлик одатлари мавжуд бўлди. Булардан ташқари табиатда содир бўладиган ходисаларга нисбатан ҳам ўзига хос одатлар пайдо бўлди.

Хусусан, баҳорда ёмғир чақириш, ёзда шамол чақириш, кузда меҳр-мурувват кўрсатиш, қишда биринчи қор одатлари шулар жумласидандир. Тадқиқотда буларнинг барчаси кенг ёритилади.

2. Меҳнат анъаналари халқимиз турмушига турли одатларни кириб келишига сабаб бўлди. Баҳорда қўш қўшиш, хўкизлар шохини мойлаш, ёзда буғдой янчиш, кузда ҳосил йиғиш, қишда баҳорга тайёргарлик билан боғлиқ меҳнат анъаналари шулар жумласидандир. Булардан ташқари турли касблар билан боғлиқ меҳнат анъаналари ҳам мавжуд. Меҳнатни енгиллатиш, уни самаралироқ қилиш учун меҳнат қўшиқлари куйлаш анъаналари вужудга келди ва ривожланди.

3. Оилавий маросимларнинг ўзига хослиги турли одатларда намоён бўлади. Ҳар бир инсон туғилгандан бошлаб турли одатлар қамровида вояга етади ва бу ҳаёт билан видолашади, унинг вафотидан кейин ҳам у билан боғлиқ одатлар маълум давргача давом этади. Одатларнинг энг муҳимлари чақалоқ чилласи, суннат тўйи, мучал маросими, балоғатга етиш, оила қуриш, эр-хотинларнинг кумуш, олтин тўйлари, пайғамбар ёшига етиш кабилар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзгача тарзда нишонланади ва ўзига хос урф-одатларни амалий тарзда бажариш орқали кузатилади.

4. Ижтимоий анъаналар халқимиз ҳаётидан чуқур ўрин олган. Улардан энг муҳими инсон туғилганидан бошлаб унинг онгида ватанга муҳаббат хиссини уйғотишдан иборатдир. Қадимда ижтимоий анъаналардан подшоҳликка кўтариш, ҳокимликка сайлаш, қозиларни тайинлаш, мачит имомларини сайлаш сингари ижтимоий одатлар мавжуд бўлди. Кейинчалик ижтимоий тараққиёт туфайли янгича одатлар вужудга келди ва ривожланди.

5. Маданий ва маърифий одатлар. Бундай одатлар оилавий ҳамда жамоатчилик ҳаёти билан боғлиқ турли тадбирларда ўз аксини топди. Қадимги ҳайит-байрамлар, кейинги пайтларда вужудга келган байрам тадбирлари маданий ва маърифий одатлар, анъаналар сирасига киритилади. Негаки бундай маросимлар шахснинг маданиятини ўсишига хизмат қилади. Қадимги даврда ўқиш маросимлари, кейинги даврлардаги таълим олиш

ўчоқлари кишининг маърифий анъаналарини шакллантирди. Маърифий одатларнинг ўсишида ота-оналарнинг ўрни муҳим эканлигини алоҳида таъкидланади.

6.Эрамизнинг VII асридан юртимизга араб маданияти билан бирга ислом дини кириб келди. Шундан буён халқимиз ўртасида ислом дини асосий дин бўлиб қолди. Ислом дини билан бирга у билан боғлиқ маросимлар халқимиз ҳаётидан чуқур ўрин олди. Бир йилда икки марта нишонланадиган ҳайит-байрамлар, пайшанба-жума кунлари нишонланадиган маросимлар, кишилар ҳаёти билан боғлиқ диний тадбирлар шулар жумласидандир. Уларнинг асосий қисми ёшлар тарбиясида маърифий аҳамиятга эга. Китобда ислом дини билан боғланган, лекин кўп ҳолларда маърифий аҳамияти бўлмаган одатлар ҳақида ҳам гапирилади.

7. Дунёдаги ҳар бир халқда бўлгани каби ўзбек халқининг ҳам ўзига хос миллий таомлари бор. Уларнинг вужудга келишини очиб беришга ҳаракат қилинади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун умумий ва хусусий бўлган, фаслларга ва урф-одатларга боғлиқ бўлган таомлар ҳақида гап юритилади. Миллий таомларни ижтимоий воқелик эканлиги исботланади. Ҳар бир вилоятдаги миллий таомлар маҳаллий табиат, аҳолининг урф-одатларини акс эттиради.

8.Халқ ўйинлари ўзбекона миллий ўзига хослик ҳисобланади. Ўзбекистоннинг чекка қишлоқлари, тоғлик ҳудудларида қадимги халқ ўйинлари сақланиб қолган, қисман ўзгарган ҳолда улар ҳозиргача ўйналади. Ҳозирги пайтда қадимги миллий ўйинларимизни тиклаш тенденцияси кетаяпти. Айниқса, миллий курашимиз юртимиз доирасидан чиқиб бутун дунёга тарқалаёпти.

9.Ўзбекистонда анъанавий масканлар ва анжомлар миллий одатларимизни акс эттирувчи омиллар ҳисобланади. Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар, буюк алломалар ва авлиёлар қадамжолари кабилар анъанавий масканлар ҳисобланади, кишиларнинг маънавий тарбиясида бундай масканларнинг ўрни муҳимдир. Анъанавий анжомларимиз миллий

одатларимизни акс эттирувчи омиллардандир. Анжомлар турлари, улардан қандай мақсадда фойдаланиш, уларнинг ижтимоий аҳамияти кўрсатилади.

10. Халқимиз ҳаётида исломгача бўлган динлар ва ислом дини билан боғлиқ иримлар сақланиб қолган. Айрим иримлар миллий одат шаклига эга бўлиб қолди. Иримларни шартли равишда фойдали ва зарарли иримларга бўлиш мумкин. Улар ҳақида тўла маълумот беришга ҳаракат қилинади, иримлар таснифланади, уларнинг яшовчанлик хусусиятлари белгиланади.

Амалда, 2016 йилдаги чоп тилган сўнги варианты, қуйидаги тартибда 3 қисм ва 11 бобдан иборат ҳолда тузилди ва чоп этилди:

Кириш

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### Одатнома тушунчалари

#### І боб. Одатларга оид тушунчалар

Анъана тушунчаси

Одат (урф расм-русум)лар

Иримлар

Маросим

Байрам

Сайил

Халқ ўйинлари

Тўй ва базм

Тушунчалар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### Одатлар тадрижи

#### І боб. Энг қадимги эътиқодлар ва одатлар

Одатлар ибтидоси

Қадимий эътиқодлар асосида пайдо бўлган одатлар

#### II боб. Антик давр анъаналари

Зардуштийлар одатлари

Зардуштийларнинг байрам тақвимлари

### **III боб. Ўрта асрлар одатлари**

Халқ одатлари ва байрамлари

Темурийлар даври маросим ва байрамлари

Ўрта асрлар одатлари бўйича хулосалар

### **IV боб. XVI-XIX аср одатлари**

Одатларнинг умумий ҳолати

Мавсумий халқ байрамлари

Байрам томошалари

### **V боб. XX аср одатлари**

Миллий уйғониш даври анъана ва байрамлари

Шўролар тузуми давридаги байрамлар

Мустақиллик арафасидаги ва унинг илк йилларидаги одатлар

## **У Ч И Н Ч И Қ И С М**

### **Ўзбек одатлари ва уларнинг турлари**

#### **I боб. Кундалик ва маиший одатлар**

Ўзбекларнинг кундалик одатлари

Саломлашиш одатлари

Остонага оид анъаналар

Меҳмон кутиш одатлари

Совға билан боғлиқ одатлар

Озодалик одатлари

Савдо ва пул билан боғлиқ одатлар

Турли маиший одат ва иримлар

Маиший иримлар

#### **II боб. Табиий-мавсумий одатлар**

Мавсумий одатлар ва уларнинг асосий турлари

Баҳор одатлари

Ёз одатлари

Куз одатлари

Қиш одатлари

Мавсумий одатларни сақлаш ва тиклаш зарурияти

### **III боб. Меҳнат анъаналари**

Меҳнат анъаналарининг ибтидоси

Анъанавий деҳқончилик, боғдорчилик ва полизчилик тадбирлари

Ҳосил тўйи

Чорвачилик билан боғлиқ одатлар

### **IV боб. Халқ дам олиш анъаналари**

Халқ ҳордиғининг моҳияти ва турлари

Эркакларнинг дам олиш уюшмалари

Аёллар дам олиш анъаналари

Аёллар дам олишининг мавсумий шакллари

Анъанавий дам олиш турлари

### **V боб. Оилавий маросимлар**

Оилавий одатлар ҳақида

Болалик одатлари

Ёшлик даври одатлари

Фахрийлар одатлари

Ўлим билан боғлиқ урф-одатлар



## II-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ТАЛҚИНИ

### **2.1. Усмон Қорабоев миллий байрамлар ҳақида<sup>1</sup>.**

Ҳанузгача ўрганилмай келинаётган ўзбек халқ байрамлари узоқ ва бой тарихга эга. Агар тарихчи олимларнинг “байрам инсон билан бирга пайдо бўлган ва ривожланган”, деган фикрига таянсақ, халқ байрамлари илк чашмаларини энг қадимий палеолит давридан, яъни Ўрта Осиёда одам зоти пайдо бўла бошлаган 500 минг йил аввалги даврдан изласа бўлади. Биз эса, ҳозирча, маҳаллий халқларнинг кейинги 3 минг йиллик давр мобайнидаги байрамлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунинг учун аввало, қадимдан Ўрта Осиёда яшаган аждодларимиз - сак, массагет, бактра, сўғд, хоразмийлар байрамлари ва сўнгра тарихий шаклланиб борган ўзбек халқи байрамларига муурожаат қиламиз.

Милоддан илгариги 1 минг йилликлар бошида (яъни бундан 30-26 асрлар муқаддам) Ўрта Осиёда ўтроқ деҳқончиликнинг ривож топиши, ибтидоий жамият емирила бориб, қулдорлик тузумининг вужудга келиши, Сўғд, Хоразм, Бактрия каби давлатларнинг пайдо бўла бошлаши, диний қарашларнинг шакллана бориши ўша даврга хос анъана, маросим ва байрамларни тақозо эта бошлади.

Айниқса, Ўрта Осиёга зардуштийлик (оташпарастилик)нинг ёйилиши натижасида (милоддан аввалги VII-V асрлар) шу қадимий диний фалсафий қарашга оид маросим ва байрамлар маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқала борди. Зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китоби ва унинг иккинчи “Виспард” қисмидаги қўшиқлар, учинчи “Ясна” қисмидаги 72 бобли қурбонлик маросими қўшиқлари ва диний маросимларга хос расм-русумлар баёни, тўртинчи “Яшт” қисмидаги зардуштийлик худолари ва маъбудаларига

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Умримизнинг қувноқ онлари. (“Шарқ юлдузи”, 1990 йил, № 3-сон) мақоласидан олинди.

бағишланган 22 қўшиқ каби манбалар диний маросимлар ва байрамларнинг ғоят ривожланганидан далолат беради.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон территориясида яшовчи халқларнинг байрамларини ўрганишда X - XI асрларда яшаган буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари ўта муҳим роль ўйнайди. Беруний ўзининг бу асарида қадимий хоразмийлар, сўғдлар, эронийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, хиндлар ва бошқаларнинг календаридagi машҳур кунлар, ҳайитлар ва одатлар ҳақида бебаҳо тарихий-маданий бойлик қолдирган.

Беруний шу китобида хоразмликларнинг исломгача даврдаги ҳайитини икки турга бўлган:

1. Табиий воқеаларга бағишланганлари: йил боши байрами (Наврўз), очилиш байрами, гулханда исиниш байрами, ёғлиқ нон ёпиш куни, Мина кечаси (совуқда қолиб ўлган аёл хотираси муносабати билан эрта баҳорда ўтказиладиган ҳайит) ва ҳоказолар.

2. Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда): арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва бошқалар.

Беруний ҳозир биз тушунадиган “байрам” сўзи ўрнига асосан “ҳайит” сўзини ишлатган. Ҳозир кўпгина адабиётларда “ҳайит” сўзи ислом байрамларига нисбатан қўлланилади. Беруний эса “ҳайит” сўзини исломгача бўлган байрамларга нисбатан ишлатган.

Маълумки, милoddан илгари Эрон, Сўғд ва Хоразмда зардуштийлик календаридан фойдаланишган. Бу халқларда йилнинг ҳар фасли, ойида ўз байрамлари ва машҳур кунлари бўлган. Масалан, “фарвардин моҳ” - ёз боши, “тир моҳ” - куз боши, “меҳр моҳ” - қиш боши, “диний моҳ” - баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) кунлари бор эди”<sup>1</sup>, - дейди Беруний.

---

<sup>1</sup>Мақоладаги Берунийга мансуб бўлган барча фикрлар олимнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридан олинган.

Баъзи этнограф олимларнинг, жумладан Н.П.Лобачеванинг фикрича, кадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёзга - ёзги қуёшнинг тик туриши кунига (ҳозирги 21-22 июнгача) кўчирилган. Бироқ ой календарига ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз баравар бўлган кунга (яъни 22 мартга) кўчирилган. Бу ҳақда Беруний ёзади: “Наврўз... ўтмиш замонларда... Қуёшнинг саратон буржигга кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. (Энди) у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда қочиш пайти (шаҳват) кўзғолишидан то насл вужудга келгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун “Наврўз” оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”.

Байрамлар, юқорида эслатганимиздек, ҳар бир фасл табиати хусусиятини акс эттириб қолмай, асосан инсон фаолиятини ҳам мадҳ этишга қаратилган. Хусусан, исломгача бўлган кузги байрамлардан иккитаси диққатга сазовордир. Уларнинг бири - “Тиргон” (ёки “Рўзи тир”)дир.

“Тир”, “тирлама” сўзи ҳозир ҳам “куз” деган маънони билдиришини ҳисобга олсак, бу ҳайит ҳақиқий куз байрами эканлигини яна бир марта исботлайди.

“Наврўз” куни табиатда жонланиш бошланса, “Меҳржон” куни ўсувчи нарсаларнинг чегарасига етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши ва ҳайвонларнинг наслланишдан тўхталиши содир бўлган.

Агар баҳор сўнгида ва ёзда сувга эътиқод қилиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштириладиган барча байрам ва маросимларда гулхан ёқиш расм бўлган. Зардуштийликлар ҳайит ва маросимларини ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган “оташхона”ларга йиғилишган.

Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан бири “Сада” бўлган. У Фирдавсийнинг “Шоҳнома” китобида кўрсатилгандек оловнинг кашф

этилишига бағишланган байрам ҳисобланади. “Сада эрон куёш календарининг ўн биринчи ойи, бахманнинг 10-кунда байрам қилинган”<sup>1</sup>.

Беруний баён қилган “Сада” қишнинг охирида ўтказилган. У бу ҳақда қуйидаги қизиқарли маълумотларни келтиради. Айтилишича, шу куни қиш жаҳаннамидан дунёга чиқади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб, қиш зарарини даф этиш учун тутатқи тутадилар. Ҳатто, ўша кеча олов ёқиб алангалатиш, шу оловларга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангалар ичига паррандаларни учуриш ва (олов) атрофида (ичимликлар) ичиб, ўйин-кулги қилиш подшоҳлар маросимларига айланди.

Хуллас, зардуштийлар байрамлари ва маросимлари айниқса, “Сада” байрамида гулхан ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш асосий анъана бўлган.

VIII асрда араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин қадимдан мавжуд бўлган табиат ва меҳнат байрамларига қарши кураш олиб бора бошладилар. Бироқ халқ қонига сингиб кетган, сеvimли анъаналарга айланган байрамларга қарши курашиш жуда қийин бўлди. Бу борадаги уринишлар зое кетгандан сўнг, ислом идеологлари бошқа йўл тутишди: халқ байрамларига диний мазмун бахш этишга, уларни ислом анъаналари билан бойитишга уринишди. Шунингдек, араблар ислом идеологияси билан бирга “Қурбон ҳайити”, “Рўза ҳайити” каби байрамларни ҳам маҳаллий халқ ҳаётига сингдира бошлашди.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган байрамлар тарихига тўхталар эканмиз, бу ерга ислом олиб келган диний байрамларга ҳам мурожаат қилиш лозим. Маълумки, исломда асосан иккита расмий диний байрам мавжуд: Катта байрам – “Қурбон ҳайит” (арабча номи – “ийд аль кабир”, “ийд аль-адҳо”) етти кун – ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 20-13 кунларида ва кичик байрам – “Рўза ҳайит” (арабча номи “ийд ас сағир”, “ийд ал-фитр”) эса уч кун – шаввал ойининг 1-3 кунларида нишонланган. Бу байрамларнинг асосий диний унсурлари - номозгоҳда эрталаб номоз ўқиш, ўлганларни ёд этиб

---

<sup>1</sup> Фирдавсий. Шохнома. Т.: 1975. 52-53-бетлар.

худойи дуо фотиҳа қилишлардан иборат. Қурбон ҳайитида ҳаж ва қурбонлик қилиш, рўза ҳайитида эса рамазон ойи ниҳоясида оғиз очишлик маросими, фитр - садақа бериш каби хусусий унсурлар бўлган. Исломда кейинроқ яна бир байрам “мавлид” (“мавлид ан-набий”) – Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни (рабиал-аввал ойининг 12-куни) нишонлана бошланган. Мавлид куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, руҳонийларнинг йиғилишлари ўтказилади. Шунини таъкидлаш керакки, ислом дини байрамига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган. Жумладан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, “ҳайитлик” бериш, янги либослар кийиш, яқинлар, қария, касал, ночорлардан хабар олиш, ўша кунлар ишламасдан дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг ҳам таркибий қисмларига айланиб кетган.

Тарихий ривожланиш жараёнида дунёдаги барча халқларнинг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг анъана ва байрамлари, уларнинг ҳаёти, меҳнати, турмуши, маданияти, шунингдек халқ яшаётган жой шароити, иқлими ва табиатига хос хусусиятлари асосида шаклланиб ва ривожланиб борган. Деярли барча халқларда меҳнат мавсуми ва ҳар бир фаслга мос, яъни эрта баҳорда - меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда - ҳосил йиғиштиришдан олдин, кузда - ҳосил тўплангандан сўнг ва қишда айниқса, далалар уйқуга кетган вақтда уюштириладиган мавсумий маросим ва байрамлар мавжуд бўлган ва улар замонга мос ўзгариб борган. Бу ҳодисанинг Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи аҳолининг йил фасллари ва меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган мавсумий (“календарь”) байрамлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

**Баҳор байрамлари** меҳнаткаш халқнинг ҳаёти ва янги меҳнат мавсуми бошланишида муҳим ўрин тутган. Баҳор кириб келишини кутиб олиш билан боғлиқ байрамлар қадимдан барча халқларда мавжуд бўлган. Махсус адабиётларга мурожаат қилганда шундай фикрга келиш мумкинки, баҳор байрамлари инсоният вужудга келиши билан пайдо бўлган байрамлардан

бири бўлиб, улар одамларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида барча ерларга ёйилган ва кейинчалик, барча халқларда турли анъаналар, ҳар хил шакл ва турли номлар билан уюштирилган. Масалан, японларда – “Риссон”, Хитойларда – “Чуньпзе”, славян халқларида – “Масленница”, Марказий ва Ўрта Осиё халқларида эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Наврўз” ёки “Йил боши” деб ном олган.

Ўрта Осиё халқлари ўртасида “Наврўз” шунчалик кенг тарқалиб бордики, у ҳақда сўз юритмаган, унинг мадҳини куйламаган алломалар кам бўлган. Ўрта аср ва кейинги даврларда “Наврўз”нинг халқ турмуши ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, файзу таровати, фазилат ва хосияти ҳақида комусий билим эгалари Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Файзий Файёзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Калис Кошоний, Фурқат, Муқимий, Садриддин Айний, Ҳамза кабилар ажойиб фикр-мулоҳазалар билдирганлар, гўзал шеърлар битганлар.

Ўрта Осиё халқлари орасида баҳор фасли ўтказиладиган яна бир тадбир “Дарвишона” деб номланган. “Атеистик энциклопедик луғат”да у ҳақида куйидаги маълумотлар берилган: Ҳар йили баҳор фаслида қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида 2-3 киши уйма-уй юриб, пул ёки озиқ-овқат тўплаган, сўнгра бирор кишининг ҳовлисида ёки масжидда овқат (ҳалим) пишириб, бутун маҳалла баҳам кўришган. Бу маросим юртда бирор офат бўлганда (касаллик тарқалганда, очарчилик бошланганда) ундан халос бўлиш ва бошқа ниятларда худога сифиниш, ундан гўё мадад сўраш мазмунида ўтказилган. Мазкур маросим дарвишлар одатларига ўхшаб уйма-уй юриб, озиқ-овқат йиғиш билан боғлиқ бўлгани учун “Дарвишона” (дарвишларга ўхшаб) деб ном олган.

Ўзбекистон ҳудудидаги баҳор фаслига бағишланган турли маросим ва байрамлар орасида табиатнинг энг гўзал маҳсулоти – гулга бағишланган сайллар алоҳида ўрин тутган. Собиқ СССР халқлари байрамлари тадқиқотчиси Л.А.Тульцева берган маълумотларга қараганда, Нурота қир-адирларида гуллар очилган маҳалда “Қизил гул сайли”, Фарғона водийсида –

“Лола сайли”, Самарқандда мевали дарахтлар, жумладан беҳи гуллаганда – “Беҳи гули сайли” (“Сайли гули беҳи”), Зарафшон водийсида “Бойчечак гулгардони”, Бухорода гуллар очилиб, булбуллар сайраган вақтда – “Гулгардони булбулхон” (“Булбул кўшиғи”) каби байрам-сайллар уюштирилган.

Ўзбек халқи баҳордаги гулга бағишланган сайлларни жуда севиб, унга олдиндан тайёргарлик кўрган. Улар турли ҳудудларда турлича – “Лола сайли”, “Сумбула сайли”, “Қизил гул сайли” каби номлар билан уюштирилган. Этнограф-фольклорчилар берган маълумотларга қараганда, Фарғона водийсининг тоғ ёнбағирларида уюштирилган “Лола сайли” байрамини халқ томонидан сайланган «лолачилар» ташкил этишган. Бу ўзига хос маросим махсус айтиладиган кўшиқлар, томошалар, ўйинларга бой бўлиб, бутун аҳолини сайлгоҳ томон йўллашдан бошланган. Табиат билан боғлиқ бундай сайллар Ўзбекистоннинг ҳар жойида ўзига хос қилиб ўтказилган.

Қадимдан Бухорода гул сайллари қизиқарли шаклларда уюштирилган. “Қизил гул” сайли (“Сайли гули сурх”) тахминан бир ҳафтадан бир ойгача давом этиб, унинг қатнашчилари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, сайл қилиб юришган: бир жойда кун бўйи ашулалар айтишган, рақсга тушишган. Иккинчи махсус белгиланган жойда масхарабоз ва дорбозлар томоша кўрсатишган, учинчи жойда хўроз, кўчқор, туялар уриштирилган, кўпқарилар (улоқлар) ташкил қилинган, тўртинчи жойда катта бозор уюштирилган, бешинчи жойда лаззатли таомлар пиширилган ва ҳоказо.

Хоразмда эса бундай “Қизил гул” сайллари махсус маросим билан очилиб, унда барча, ҳатто хотин-қизлар ҳам эркин қатнашган. Йигитлар ўзларига ёққан қизларга олма, анорлар отиши сайлнинг ўзига хос ўйинларидан бири сифатида намоён бўлган. Сайл давомида ёш йигитлар ишқи тушган қизларга ёш болалар орқали ҳар хил ширинликлар, ҳолва, майиз юборишган. Ўз навбатида қиз (агар у йигитни манзур кўрса) “жавоб” ширинликларини йўллаган.

Қадимдан мавжуд бўлган бу ўзбек байрамларида яхши фазилатлар кўп бўлиб, диний жиҳатлари кам бўлганлиги билан характерлидир. Халқдан мерос бўлиб келаётган анъанавий гулсайлларига муносабат ҳозирги даврга келиб янада янги мазмун билан бойимоқда.

**Ўз-куз байрамлари.** Адабий манбаларга қараганда, ёзнинг иссиқ вақтларида байрамлар кам уюштирилган. Шундай бўлса-да, ёз фасли бошланишида Ўзбекистоннинг баъзи жойларида ўтказиладиган айрим байрамлар ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади. Маълумки, иссиқ иқлим шароитида яшаб келаётган ўзбек халқида қадимдан сувга ва сув ҳавзаларига бориб чўмилишга оид урф-одатлар ва байрамлар кўп бўлган, Бироқ улар ислом истилоси даврида камайиб борди, кўпгина жойларда эса йўқолиб кетди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистоннинг баъзи жойларида қадимдан ўтказилиб яқингача сақланиб келган “Сув сайли” ҳақидаги баъзи маълумотлар топилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда махсус маросим бўлмаса ҳам баҳор охири ва ёз ойларида сув ҳавзаларида чўмилиш кенг тарқалган. Бироқ баъзи жойларда чўмилиш мавсумининг очилиши ва ёпилишига бағишланган ўзига хос маросимлар ўтказилади.

Охирги тутам буғдойни ўриб олишга бағишланган одат ҳақида фольклоршунос Б.Саримсоқов куйидагиларни баён қилади: охирги тутам буғдой “Она буғдой”<sup>1</sup> деб аталиб, уни ўриб олингандаи сўнг, махсус тутам ҳолда боғланади, уйга олиб кетишади ва баҳорги экиш пайтигача сақланади. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) пиширилади ва уни далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашиб берилади, иккинчи қисмидан эса уруғлик дон сифатида фойдаланилади. Ғаллакорлар “Она буғдой” донидан тайёрланган нонни еб, “бу йил ҳам ҳосил мўл бўлсин, она буғдой ўзи кўлласин, бободехқон мадаккор бўлсин!” деб дуо қиладилар ва қолган донни биринчи уруғлар сифатида ерга сепишади.

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. -Т.: Фан, 1986. 54-56-бетлар.



“Қор хат” “Суюнчи” услубида ёзилиб, унинг мазмуни албатта биринчи қор билан табриқлаш, ишларига муваффақиятлар тилаш ва бунинг эвазига муаллифдан маълум истак-шартни бажариш кераклиги ҳақида ёзилади. Одатда қор хат шarti зиёфат берилиши кераклиги ёки бирон совға олиб беришдан иборат бўлади.

Ёз ойининг охири ва кузда деҳқонлар ҳосил йиғишга бағишланган байрамларни нишонлашган.

Ислонгача куз фасли байрамларга бой бўлганлиги ҳақида тўхталган эдик. Ўрта асрларга келиб куз байрамлари (эски календардан мусулмон ой календарига ўтилганлиги сабабли) бироз камайди ва улар, асосан, ҳосил тўплаш билан боғлиқ бўлиб, баъзилари ҳосил йиғишга киришилганда, бошқалари меҳнат мавсумининг якунида нишонланадиган бўлди. Масалан, бу борада Бахмал, Ғаллаорол атрофида буғдой ўрими бошланишидан олдин ва айниқса охириги тутам буғдойни ўриш муносабатларига оид хурсандчиликка айланиб кетадиган маросимлар диққатга сазовордир.

Ўзбек деҳқонларининг ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиб олиш муносабати билан ўтказиладиган байрамлари орасида қадимдан бизнинг давримизгача етиб келган яхши анъаналардан бири «Қовун сайли»дир.

Инқилобдан илгари “Қовун сайли” деҳқонларнинг полизларида қовун-тарвузларини йиғишдан бошланиб, бозор майдонларида ҳам давом этган. Ҳолбуки, байрам бозорда, айна полиз маҳсулотлари кўпайган вақтда бир неча кун, ҳатто бир неча ҳафта давомида уюштирилган. Бозор авжига чиққан вақтда дорбозлар, масхарабозлар, созандалар ва хонандалар ўз санъатларини намойиш қилишган. Сайл мобайнида томоша ва мусобақалар ўтказилган. Баъзи жойларда (масалан, Хоразмда) “Қовун сайли”ни ўтказиш жараёнида энг яхши қовун нави ва энг ширин маҳсулот етиштирган деҳқонларни “Уста қовунчи” деб тан олишиб, уларга тўн ва дўппи кийдиришган.

Пахта етиштирадиган деҳқонларнинг ҳам ҳосилни йиғиб олганларидан сўнг нишонланадиган байрамлари бўлиб, улар ҳар хил жойда турлича “Хирмон тўйи”, кейинроқ эса “Пахта байрами” деб номланган. Мўл ҳосил

етиштирган йиллари пахтакорлар катта зиёфатлар уюштиришган, ўйин-кулгу қилишган, яхши ишлаганларга совға-салом беришган, тўнлар кийдиришган.

**Қиш мавсумидаги байрамлар.** Қиш фаслида деҳқонларнинг бўш вақти кўп, дам олиш шакллари хилма-хил бўлса-да, бошқа фаслларга қараганда бу мавсумга аталувчи байрамлар кам бўлган. Шунга қарамай қиш фасли билан боғлиқ бўлган “Биринчи қор” (“Қор ёғди”, “Қор хат”) маросими ўзбек халқларида кенг тарқалган эди.

Қадимдан биринчи қор ёққан кун қор хат ёзиш оммавий тус олган, 8 далаларда қор отишлар, ўйин-кулгилар, совға-саломлар ва зиёфатлардан ташкил топган қишки халқ байрами вужудга келган.

Шахсга сиғиниш йиллари анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилари тўғридан-тўғри давлат ва партиёга қарши деб ёки миллатчиликда айблаган. Ҳатто, 60-йилларнинг ўрталарида маълум маънода халқ байрамларига эътибор берилма бошланган бўлса ҳам, улар умум республика байрами сифатида эмас, халқ орасида баъзи жойлардагина нишонланар эди. Бироқ 80-йилларнинг ўртасига келиб собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг айрим масъул ходимлари томонидан кўпгина халқ маросимлари, жумладан “Наврўз” тақиқлана бошланди. (Шу сабабли 1985-88 йилларда оммавий ахборот воситалари бу байрамни четлаб ўтишди). Минглаб йиллардан бери нишонланиб келинаётган Наврўз ўрнига апрель ойининг бошида сунъий ўйлаб топилган “Навбаҳор” номли янги байрамни таклиф қилишди. Бу эса аҳолининг очикдан-очик ва ҳаққоний норозилигини уйғотди. Миллий анъаналар, маросимлар ва байрамларни халққа қайтариш жиддий масалага айланди.

Хуллас, халқ маросим ва байрамларини тиклаш жуда мураккаб, шу билан бирга муқаддас иш бўлиб, у аввало халқ одатларини чуқур ўрганмоқни, жойларда сақланиб қолган халқ тажрибасини умумлаштиришни тақозо этади.

## 2.2. Усмон Қорабоев урф-одатлар ҳақида.

Халкимизнинг бетакрор урф-одатлари, миллий қадриятлари кўп. Улар асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. Бу бебаҳо бойлик маънавий меросимизнинг таркибий қисмига айланган. Урф-одатларимизда миллатимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, орзу ва интилишлари, ўзлиги, ҳаётий фалсафаси ўз ифодасини топган.

Миллий қадриятларга-миллатнинг тили, дини, урф одатлари, анъаналари, байрамлари, ўзаро мулоқоти ва бошқалар киради.

Ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, қадриятлар, маросим, байрамлар алоҳида ўрин тутаяди. Улар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ходисаси сифатида намоён бўлади.

“Анъана”, “одат”, “маросим” бевосита “қадрият” тушунчаси билан боғлиқ.

**Анъана**<sup>1</sup> - тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ходисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ходиса сифатида, кишилар онгига сингган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади.

Ўтказган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики “халқ анъаналари” тушунчасининг ижтимоий-маънавий моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: халқ анъаналари - ўзоқ тараққиёт жараёнида этносларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида, атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий этган ва асрлараро аждодлар фикри, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа қадриятларини мужассамлаштирган бебаҳо ижтимоий-маданий меросга айланган.

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002. 8-бет.

Анъаналар бир қанча асосий жихатларга эга бўлади<sup>1</sup>

- табиий, тарихий, ижтимоий, маънавий эҳтиёж асосида вужудга келади;
- ўз моҳияти ва хусусияти, мазмуни ва шаклига эга бўлиб, бошқа ходисалар билан ўзаро боғланиб кетади;

- кишилар ҳаётида ўз ўрнини топиб, турмушнинг таркибий қисмига айланади, аҳолининг асосий қисми томонидан эътироф этилади, қадрланади;

- маънавий-тарихий эҳтиёж сифатида аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтади ва тараққий этади;

- муайян муддатда ва шароит тақозосига кўра такрорланиб туради;

- жамият равнақига, инсонларнинг камолотига хизмат қилади.

Инсонларнинг турмуш тарзи миллий, маданий, ижтимоий-сиёсий, диний ва ҳоказо анъаналарнинг шаклланишига олиб келган. Шу боис анъана инсон фаолиятининг барча жабҳаларида намоён бўлади. У кишиларнинг турли соҳадаги ютуқлари, энг яхши тажрибаларини сақлаш, авлодларга етказишга кўмаклашади.

**Одат**<sup>2</sup> (урф-одат) - кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор кўникмасидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, уй-ховлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида кекса қариялар, касал, ожиз, қийналган кишилар холидан хабар олиш, қўни-қўшниларнинг бирор ишига ёрдам бериш, хашарга бориш кабилар. Ўзбек халқига хос яхши одатлар хисобланади.

“Одат” деган тушунча психологияда ҳам мавжуд булиб, у маълум шароит таъсирида вужудга келиб, кишининг феъл-атворида мустаҳкамланиб қолган ва кейинчалик ўз-ўзидан беихтиёр бажариладиган ҳаракат маъносини билдиради.

Одат инсон ҳаётининг барча соҳалари (турмуш, ўқув, меҳнат, ижод,

---

<sup>1</sup> Усмон Ҳосил (усмон Қорабоев). Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2016.

<sup>2</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: “Шарқ”, 2002. 8-бет.

сморт кабилар)да намоён бўлади. Одат салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Фойдали одатларга - мутолаа қилиш, мустақил билим олиш, жисмоний тарбия кабилар; зарарлиларига тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, муайян бир ишни охирига етказмаслик кабилар киради.

*Индивидуал<sup>1</sup> (шахсий)* одатлар инсоннинг қиёфасини яратади. Фойдали одат шахснинг ижобий хислатлари (масалан, ижодкорлиги, меҳнатсеварлиги) шаклланишига ёрдам беради. Аксинча, салбий одатлар (масалан, дангасалик, вақтни беҳуда ўтказиш, ҳасад, иғво, чақимчилик) кишида салбий қиёфа шаклланишига сабаб бўлади.

*Оилавий одатлар<sup>2</sup>* – кўпроқ оила доирасида бажариладиган, оила томонидан қабул қилинган хулқ-атвор, такрорланиб турувчи хатти-ҳаракатлар, кўникмалар. Оилада ташкил қилинадиган тўй-маърака, маросимлар ҳам оилавий одатларнинг таркибий қисмидир. Оилаларда бажариладиган барча учун умумий одатлар *миллий одатларга* айланиб кетиши мумкин.

*Миллий одатлар<sup>3</sup>* - миллат қиёфасини белгиловчи асосий хусусиятлар сирасига киради.

Миллат вакилларининг асосий қисми томонидан тан олинган ва амал қилинадиган одатлар миллий одатларни ташкил этади. Миллий одатларга умум қабул қилинган тартиб-қоидалар, расм-русум, тамойиллар (байрам арафасида устозлардан, кекса, бетоблардан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам бериш, ҳашарда қатнашиш кабилар) киради.

Урф-одатлар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зарурий шарти деб қабул қилинади. Урф-одат миллатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади ва миллатнинг, элатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятлардан бири ҳисобланади. Масалан, ўзбекларда қудачиликка катта ҳурмат билдирилиб, “куёвни пайғамбарлар сийлаган”, дейилиб, *ота ўз қизи*

---

<sup>1</sup> Усмон Ҳосил (усмон Қорабоев).Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2016. 12-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 13-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 13-бет.

*келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб, пиёда ўтган.*

Миллий одатлар миллат билан бирга шаклланади ва замонлар ўзгариши билан даврга мослашиб бораверади. Халқ турмушининг ўзгариши унга мос одатларни вужудга келтиради.

Анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг барча соҳаларига ҳос ходиса сифатида жуда кенг доирани қамраб олади. Одат эса муайян бир кишининг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида намоён бўлади.

**Маросим**<sup>12</sup> - инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган тадбир саналади. Масалан, исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, дафн қилиш, хотирлаш, экишга киришиш (уруғ қадаш), ўримга киришиш маросимлари ва ҳоказолар.

Одат кундалик ҳаётда доимо кузатилса, маросим эса инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади. Маросим кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим қабиларни) қайд этади, расмийлаштиради. Маросимларни ўтказишда авлоддан-авлодга ўтадиган, рамзий ва расмий анъаналар, қоидаларга амал қилинади. Маросимга, бўлаётган воқеага “тувоҳ” сифатида одамлар чақирилади. Одамлар кимнингдир ғами ёки қувончига шерик бўлишади, келажак учун яхши ниятлар қилишади. Ҳар бир маросимнинг ўзига ҳос умум қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади.

Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани нишонлаш жараёнида анъана ҳам, одат ҳам, маросим ҳам мужассамлашади.

Буни куйидаги мисолда кўриш мумкин: ёшлар вояга етганида - йигитлар уйланади, қизлар турмушга чиқади. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъана саналади. Йигит-қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002. 8-бет.

<sup>2</sup> Усмон Ҳосил (усмон Қорабоев).Одатнома. –Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-бет.

Никоҳ тўйи ўтказиш эса инсоният ҳаётига сингган муайян қоидага, маълум тартибга эга бўлган урф-одат ҳисобланади.

Никоҳ тўйларининг асосий шартларидан бири куёв ва келиннинг никоҳдан ўтишидир. Ҳар бир даврда бу тўй билан боғлиқ ўзига хос одатлар вужудга келади. Масалан, ҳозирги пайтда махсус безатилган машиналарда кўчаларда юриш, гувоҳлар билан “Бахт уйи”га бориш, никоҳдан ўтаётганда давлат мадҳиясининг янграши “Бахт уйи” ходимларининг саволларига жавоб бериш, керакли ҳужжатларга имзо чекиш, никоҳ узукларини алмашиш каби одатларга амал қилинади. Бу расмий ва тантанали равишда ўтадиган маросимдир. Никоҳ тўйидаги одатларнинг адо этилиши келин-куёв, уларнинг қариндош-уруғи, ёру-дўстлари учун ҳақиқий шодиёна саналади.

“Анъана”, “одат”, “маросим” бир-бири билан бевосита боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу боис анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросим ҳам бўлиши мумкин. Масалан, билим юртини битирган ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга бориб иш бошлаши одат тусига кириб қолган. Бу муҳим воқеа муносабати билан анъанавий тадбирлар ташкил қилиш мумкин. Бу одатнинг таркибий қисми - ёшларни тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш ўз-ўзидан маросимга айланади. Баъзи ҳолатларда “анъана”, “одат” ва “маросим” тушунчалари<sup>1</sup> алоҳида ишлатилса, улар мавҳум маънони англатиши ҳам мумкин. Бундай пайтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, масалан, “анъанавий байрам”, “анъанавий фестивал”, “анъанавий кеча” ёки “мукофотлаш маросими”, “тўй маросими”, “нафақага кузатиш маросими” тарзида қўлланади. “Маросим” сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини билдиради.

Баъзи маросимлар (дафн қилиш ва қайғули ҳодисалардан ташқари) байрамларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Баъзи маросимлар байрам кунидан бошқа пайтларда ташкил қилинса ҳам, у байрам

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: Шарқ, 2002. 9-бет.

тусини олади. Масалан, “чигит кадаш”, “диплом топшириш” маросимлари ўз-ўзидан байрамга айланади. Тантанали равишда аттестат топшириш маросими ҳам ҳар бир ўспирин учун катга байрам саналади. Булар маросим байрамларининг таркибий (ёки асосий) қисми эканлигини билдиради.

“Анъана”, “маросим”, “байрам” атамалари ўзгармас тушунчалар эмас. Замона тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришлар таъсирида тушунчалар мазмуни ҳам кенгайиб боради.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида талабга жавоб бермай қолган анъана ва байрамлар аста-секин унутила бошлайди. Моҳиятан халқчил, ижтимоий салмоққа эга бўлган анъаналар тараққий этади. Масалан, *Наврўз*, *Қовун сайли*, *Лола сайли* ва ҳоказо байрамлар замонавий талабларга жавоб бергани учун асрлар давомида яшаб келмоқда. Халқ турмушининг ўзгариши унга мос анъаналарни вужудга келтиради. Ўзбек халқи ҳаётида ҳам яқин йиллар ичида авваллари мавжуд бўлмаган кўплаб ижтимоий ва шахсий-оилавий анъана, маросим ва байрамлар пайдо бўлди.

Кейинги пайтларда илмий адабиётларда, даврий нашрларда “анъанавий байрамлар”, “янги анъаналар” сўзлари ишлатила бошлади.

“Анъанавий байрамлар” деганда маълум вақгда мунтазам ўтказиб туриладиган азалий маданий-оммавий тадбирлар -Гул байрами, Лола сайли, қовун сайли, Хирмон тўйи (ҳозирги Пахта байрами) назарда тутилади. Чунки улар қадим замонлардан буён мавжуд бўлган халқ байрамларидир.

“Янги анъаналар” ҳаётимизга энди кириб келаётган ва жойларда эндигина бошланган тадбирлардир.

XX асрнинг иккинчи ярмида, замон ўзгариши билан кейинги даврда ҳаётимизга тугилган чақалоқларнинг ота-оналарита гувоҳнома ёки вояга етган ёшларга паспорт топшириш, ўқув юрти битирувчиларини тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш, биринчи маош тантанаси, Авлодлар учрашуви, Олтин ва Кумуш тўйлар, тантанали нафақага кузатиш тадбирлари кабилар кириб келган эди. Ҳозирги пайтга келиб, улар “янги” эмас, балки “анъанавий тадбир” бўлиб қолди.



## III-BOB. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ЭТНОГРАФ ВА МАДАНИЯТШУНОС ОЛИМ

### 3.1. Усмон Қорабоев етук этнограф.

Тарихий - маънавий қадриятларни тиклаш - миллатни тиклаш демакдир. Бу амалга ошириладиган ишлар ичида, халқ маданияти анъаналарини тиклаш масалалари алоҳида диққатни жалб этади. Чунки, анъанавий халқ маданияти - аجدодларимиз меросининг таркибий қисми сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозирги даврда ҳам жамиятни маънавий камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий меросларни тадқиқ қилишга кенг йўл очилиши натижасида, шўролар даврида таъқиқланган тарихий мерос, маънавий қадриятлар, халқ маданияти анъаналари ва улардан фойдаланиш масалаларига доир қатор изланишлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, бу борада И.Жабборов, Н.Комилов, М.Хайруллаев, каби олим<sup>1</sup>(8)лар ишлари диққатга сазовордир. Шунингдек халқ турмуши, ижоди, санъатини ўрганишда фольклоршунослар, этнографлар, санъатшунослар ва педагоглар ҳам фаоллик кўрсата бошлади.

Мазкур муаммога диққат жалб қилиш учун, энг аввало адабий, илмий, қомусий ва бошқа манбалардаги (халқ) “маданияти” тушунчаларига изох бериш лозим. Агар мавжуд манбалардаги бу атамага оид турлича изохлар умумлаштирилиб, қисқа баён қилинса унда “халқ маданияти” биринчидан, муайян жойда, (худуд)даги аҳоли маданияти, иккинчидан, оддий халқ ва кенг меҳнатқаш омма маданияти, учинчидан. Этнос (яъни уруғ, элат, миллат)лар маданияти каби маъноларда тушунилади. (Айнан учинчи маъно этномаданият тушунчасига тўғри келади.). Энди маънавий мероснинг асрлараро шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб одатга айланиб қолган қисми -

---

<sup>1</sup>Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият ўқув қўлланма. Тошкент, Адолат, 2003. 8-бет. Ушбу ва қолган қавс ичидаги рақамлар юқоридаги ўқув қўлланма китобининг саҳифаларини ифодалайди.

“анъанавий халқ маданияти” тушунчасига таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий халқ маданияти-этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларни ақлий-ижодий фаолияти натижасида тараққий этган, минг йилликлар мобайнида аجدодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва кадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган бебаҳо мерос ҳамда жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварлигини барқарор этувчи халқнинг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил.

Анъанавий ўзбек халқ маданиятига яхлит ижтимоий-маънавий ҳодиса ва халқ турмушининг таркибий қисми сифатида қараш маданиятшунослик фани доирасида “*этномаданият концепцияси*”ни яратишга имкон беради. Бу концепция анъанавий халқ маданиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Мустақиллик шароитида кўпгина фан тармоқларининг мазмунини, шу жумладан, маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларини ҳам қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлмоқда. Айниқса “Халқ маданияти”, “Миллий маданият”, “Анъ(9)анавий маданият”, “Этномаданият” атамалари янги изоҳни талаб қилмоқда. Ханузгача кам ўрганилган “этномаданият” (ёки “этник маданият”) тушунчаси юқоридаги бошқа атамаларни тушунишга қулайликлар яратади.

“Этномаданият” тушунчаси тарихий жараёнда уруғ, элат, миллат маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини акс эттиради. “Анъанавий халқ маданияти” тушунчаси эса айнан этник маданиятнинг тарихий жараёни шаклланган, синалган ва анъанага айланган авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётган муҳим қисми сифатида намоён бўлади.

Агар этномаданиятнинг тарихий-маданий хусусиятларини белгилайдиган бўлсак у қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

а) этнослар табиий ва тарихий маънавий эҳтиёж асосида вужудга келади;

б) ўз моҳияти ва хусусияти, мазмуни ва шаклига эга бўлиб, бошқа ҳаётий соҳалар билан чамбарчас боғланиб кетади;

в) халқ ҳаётида ўз ўрнини топиб, турмушнинг ажралмас таркибий қисмига айланади;

г) маънавий - тарихий эҳтиёж сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади ва даврлар оша таракқий этади;

д) жамиятнинг баркамол бўлишига хизмат қилади.

#### *Этномаданиятнинг асосий кўринишлари (шакллари)*

Анъанавий халқ маданиятини яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шакллари аниқлаш муҳим аҳамията эга. Шу боис биз этномаданият эволюцияси ва умум қабул қилинган "маданият" таснифидан келиб чиқиб, халқ маданиятининг асосий соҳаларини аниқлашга интилдик. Натижада, этномаданият ва унинг таркибий қисми бўлган анъанавий халқ маданияти тизимининг таркибий қисмида: халқ донишмандлиги, халқ фалсафаси, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ ўйинлари, дам олиш маданияти, халқ пазандалиги, миллий либослар, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ табобати, халқ тур(10)муш маданияти каби кўплаб соҳаларни ажратса бўлади.

Анъанавий халқ маданиятининг барча соҳаларида авлодларнинг дунёқарашлари, фалсафий тушунчалари ўз аксини топганлиги учун этномаданият таркибида халқ донишмандлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби шундаки, халқнинг ғоя, фикр, билим, дунёқарашини ифода этган этномаданият кўринишини халқ фалсафий донишмандлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ маданиятининг фалсафий - ғоявий мазмуни қанчалик чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунча бақувват, ижтимоий аҳамияти кучли, умри ҳам боқий бўлар экан.

Халқ маданиятининг асосий кўринишларини аниқлаш билан бирга ўзига хос хусусиятлари ва тавсифий белгиларини аниқлаш ҳам катта илмий қийматга эгадир.

Оддий меҳнаткаш халқ оммаси маданий - ижодий фаолият билан асосан, ишдан ташқари, яъни бўш вақтида машғул бўлади. Эндиликда ханузгача деярли ўрганилмаган анъанавий дам олиш маданиятига алоҳида эътибор бериш лозим бўлмоқда. Шу сабабли халқ орасида машҳур бўлган мавсумий дам олиш анъаналари ("Гул сайли", "Сув сайли", "Тоғ сайли", "Боғ сайли", "Гап-гаштак" кабилар) ҳамда турли тарихий жараёнларда маданий - маърифий ҳордиқ чиқариш масканлари (Эркаклар уйи, Оташхона, Ийдгоҳ, Маданий боғлар, Таробхона, Томошагоҳ, Сайлгоҳ, Ўйингоҳ, Чойхона кабилар) тажрибаси диққатга сазовордир.

Халқ ижодий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, жумладан, халқнинг оғзаки, мусиқали, амалий, театр - томошавий деб аталган асосий ижод турлари жанрларини тиклашга оид услублар ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг аския, достон, мушоира, лоф, кулги-ҳикоя, асотир (миф), афсона, эртак латифа; анъанавий мусиқа ижодининг алла, ялла, ёр-ёр, алёр, терма, ашула, маросим кўшиқлари ва мусиқа фольклори асосида вужудга келган оилавий жамоалар, фольклор-этнографик гуруҳлар, халқ ҳаваскорлик жамоалари; халқ театр-томоша ижодининг масхарабоз, қизиқчи, дорбоз, муаллақчи, (11) найрангбоз, кўғирчоқбоз; халқ оммавий - безак ижодининг наққошлик, кулолчилик, ўймакорлик, зардўзлик, тўқимачилик, табиат билан боғлиқ бўлган ижоднинг ранг-баранг тур ва жанрларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиндикки, улар авлодлар онгини, бадий тафаккурини, эстетик қарашларини тараққий эттирибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижодкорликни ривожлантирган, халқни ўз тарихи ва тақдири ҳақида ўйлашга, бунёдкорлик қилишга ундаган. Шунинг учун, ижодий меросни тиклаш ва камол топтириш халқнинг барча ижтимоий-маданий соҳаларидаги фаоллигини оширишда муҳим омил бўлади.

Халқ педагогикаси минг йиллар давомида қарор топиб, юзлаб авлодларни тарбиялаш жараёнида вужудга келган илғор ахлоқий ғоялар,

тажрибалар ва усулларни ўзида умумлаштиргани учун, у фақат тарихий-маданий кадриятлар сифатида намоён бўлибгина қолмай, балки ҳозирги замон таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, халқ педагогикаси кадриятларидан фойдаланиш замонавий таълим-тарбия, маданият тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириб, ижтимоий ҳаётда одамият-инсонпарварликнинг янада камол топишига зарур имкониятлар яратиб берди. Халқ педагогикасига оид тажрибалар, анъаналарни ўрганиш натижасида тарбиявий жараённинг самарали бўлишига хизмат қилувчи "Тағ мақсад (тағ маъно)", салбий тарбиявий жараённи келтириб чиқарувчи "хуфия тарбия" - ҳамда катта қимматга эга бўлган ва асрлар оша синалган "устоз - шогирд" анъаналарига алоҳида ўрин бериш муҳим экан.

"Анъанавий халқ маданияти" дейилганда кенг маънода этноснинг ҳаётидаги барча кадриятлар тушунилса ҳам, унинг туб маънодаги негизини халқ анъаналари ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам халқ анъаналарини ўрганиш ўзбек маданиятшунослигининг асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим.

Анъаналар халқнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган ва авлодлардан авлодларга (12) муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Этнос-миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган ҳолатларни асраш ва камол топтириш ҳар бир авлодларнинг муқаддас бурчига айланган. Анъанавий халқ байрамларининг тикланиши ўзбек маданияти тарихида ўта муҳим воқеа бўлиб қолмоқда. Чунки, байрамлар ҳаётнинг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирадиган ва акс эттирадиган кўзгу сифатида халқ маданиятининг йирик ва муҳим шакли ҳисобланади. Шунинг учун азалий маданиятнинг энг қимматли томонларини қоидалаштиришга замин яратилди.

Барча даврларда байрамларга эътибор берилган бўлса-да, уларнинг даражаси турлича бўлган. Масалан, Шўролар давлати ўз давригача мавжуд бўлган барча азалий байрамларни инкор этиб, янги совет байрамларини

хаётга жорий этмоқчи бўлди. Шунинг учун, совет байрамлари тизими худди унинг сиёсати каби инқирозга учради.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу - истакларини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва янги истиқлол байрамларини шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармонлари асосида "Наврўз", "Рўза ҳайит", "Қурбон ҳайит"лар расман тикланиб, халқ ўртасида кенг нишонлана бошлади. Шунингдек истиқлолни шарафлайдиган икки байрам "Мустақиллик куни" ва "Конституция куни" жорий этилди. Ўз навбатида Ўзбекистон раҳбарияти Шўролар даврида пайдо бўлган барча байрамларни таъқиқламади. Улар орасида умуминсоний ғоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи "Янги йил байрами", "Хотин-қизлар байрами" кабилар сақлаб қолинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг асосий давлат байрамлари асосан шаклланган бўлса-да, азалий байрамларни тиклаш жараёни тугаган, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бу борада ҳали бажариладиган ишлар ҳам кам эмас. Бир томондан, азалий байрамлар билан бирга уларга хос одатлар ва анъаналар тикланиши даркор. Иккинчи томондан, (13) мустақиллик даврида пайдо бўлган тарихий - маънавий қадриятлар билан ҳам бойитилмоғи лозим.

Маълумки, оилавий маросимлар ўзбек халқ анъаналарининг асосий ва муҳим қисмини ташкил этади. Оилавий маросимларнинг кўпи болалар ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлангани учун ҳам ёшларнинг маънавий камол топишида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, ўзбек халқи тўйпараст халқ. У тўй қиламан, эл дуосини оламан, бошқаларни қувончимга шерик қиламан деган мақсадда яшайди. Шунинг учун тўй ўзбек миллати ҳаётида муқаддас ҳодиса ҳисобланади. Бироқ совет даврида ўзбек оилавий маросимларининг бир қисми таъқиқланди, иккинчиси, таъқиқлаш мумкин бўлмаганлари (масалан, "Никоҳ тўйи") янгича умум совет анъаналари асосида ўзгартирила бошланди.

Оилавий кадриятларнинг тикланиш жараёни миллий-маънавий тикланиш жараёнидаги муҳим ҳодиса бўлди. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, бир иқтисодий ҳолатдан иккинчисига ўтиш пайтида оилавий маросимларга оид муаммоли ҳодисалар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, кўпгина иқтисодий бақувват оилалар ортиқча дабдабали, ҳаддан ташқари ҳаражатлар билан исрофгарчиликка йўл қўйиб тўй ўтказса, кам ҳаражатли оилалар болаларнинг ризқини қийиб, қарзга ботиб тўй қилишмоқда. Кўпгина маросимлар, масалан, "Бешик тўйи", "Суннат тўйи" оила, қўни-қўшни ва қариндошлар ўртасида ўтказилиш ўрнига, дабдабали байрамга айлантириб юборилмоқда.

"Никоҳ тўйи"га оид "Нон синдириш", "Келин кўрди", "Келин чорлар", "Куёв чақирди" каби одатлар алоҳида - алоҳида тадбирга айланиб кетмоқда. Улар ортиқча дабдаба ва катта ҳаражатсиз, ихчам шаклда, оила аъзолари, яқин қариндошлар иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Жойларда катта тўйга айланиб кетаётган "Туғилган кун", "Бешик тўй", "Суннат тўй", "Пайғамбар ёши" каби маросимлар ҳам кичик ихчам, оилавий тадбир сифатида яқин қариндош ва қўни-қўшнилар иштирокида нишонланишни тақозо этади. Ҳозирги ўтиш қийинчиликлари дав(14)рида эгалари ўз бойликларини тарғиб қиладиган - "Кийим кўрди", "Сарпо ёзди", "Тугун қайтди", "Эшик очди" каби ортиқча маросимлардан воз кечиш керак бўлмоқда. Ҳозирги кунда тўйнинг моддий томонига эмас, балки маънавий жиҳатларга алоҳида урғу бериш лозим.

Жойларда мол олиш, мол бериш, уй жиҳози, мебель, сарпо, совға ва бошқалар устувор бўлиб, тўйларнинг маданий, ахлоқий томонлари кейинги ўринларга тушиб қолмоқда. Тўй базмларини ҳам мазмунли, файзли, яхши бадиий савияда ўтказишга жиддий эътибор бермоқ лозим. Жойларда шаҳар, туман, хўжалик раҳбарлари ёш келин-куёвларга моддий ва маънавий ёрдам бериш кераклигини сира ҳам унутмаслиги лозим. Хуллас, оилавий маросимларга оид муаммолар кўп. Уларни ҳал қилиш учун жойларда - туман, шаҳар, маҳаллаларда нуфузли ва обрўли кишилардан ташкил топган оилавий

маросимлар кенгашлари (тўй комиссиялари) ишлаб турса айти муддао бўлар эди. Бу кенгашлар маҳаллий шароитдан ва иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, жойлардаги оилавий маросимларнинг муносиб ривожланишига ёрдам бериши табиийдир.

Халқ анъаналарига оид тадқиқотларимиз, чунончи, Марказий Осиё халқларининг минг йил ичидаги юзга яқин байрам ва маросимларига оид тўпланган маълумотлар таҳлил натижасида куйидагилар маълум бўлди: Инсоннинг табиий - ҳаётий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган маросим ва байрамлари асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уларга сиёсий вазиятлар, турли давлат, сулолаларнинг маҳв этилиши, ҳукмдорлар, истилочиларнинг келиб кетишлари, ҳаттоки ҳудуддаги аҳоли таркиби ўзгаришлари ҳам таъсир этмайди. Иккинчи туркум байрам маросимлар эса маълум вақтдан сўнг ўзгариши ёки бошқа янги байрамлар вужудга келиши учун асос бўлиши мумкин. Учинчи гуруҳ маросим ва байрамлар эса муайян давр сиёсати, давлат ёки ҳукмдорларнинг ҳошиш-иродаси сифатида вужудга келади, ўшалар билан биргаликда яшайди ва ўз тарихий вазифасини бажариб бўлгандан сўнг барҳам топади. (15)

### **Халқ ўйинлари**

Халқ бағрида минглаб ўйинлар мавжуд бўлиб, буларнинг орасида ҳаммага маълум ўйинлар билан бир қаторда, айрим минтақаларга хос ўйинлар ҳам бўлган, баъзан бир қишлоқ ўйинлари бошқа қишлоқ ўйинларидан фарқ қилган. Булардан ташқари, ўзбек халқининг анъаналари орасида турли ёшдагилар, турли жинсдагилар, йил фасллари, шаҳар ва қишлоқларга хос ўйинлар тизими ҳам бўлган. Ўйинларни куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз.

#### **I. Табиий-мавсумий ўйинлар**

Табиатдаги ўзгаришлар йил фасллари асосида вужудга келган. Шу сабабли доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар бир фасл ўйинлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда - "Тол баргак", дала гуллари очилганда ўзига хос қўшиқли,



рақсли, тез ҳаракатли "Ёмғир ёғалоқ", "Оқ теракми - кўк терак" каби ўйинларга эҳтиёж туғилган.

Ёз охири - куз боши - пишиқчилик, тўқчилик вақтида данак, ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учишлар севилиб ўйналган. (76)

Кеч куз - қишда ёғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозик, ошиқ, тош ўйинлари одатга кирган. Қор ёққанда "қорхат", "Қорбўрон"; ёмғир ёққанда "Ёмғир ёғалоқ"; кучли шамол эсганда - "Бўрон-бўрон" кабиларни ўйнаш анъаналари бўлган. Совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб: "Топишмоқ топ", "Тез айт", "Ким айтиш", "Оёғингни торт" каби ўйинлар ўйналган.

## **II. Худудий ва турли жойларга хос ўйинлар**

Ўзбекистон худудида умумхалқ - ҳамма биладиган қизиқарли ўйинлар билан бирга ҳар бир худуд, жойга хос ўйинлар бўлган. Бир жойда маълум бўлган ўйин бошқа жойдагиларга номаълум бўлган.

## **III. Турли ёшларга хос ўйинлар**

Ҳар бир ёшнинг ўз ўйинлари бор. Турли ёшларга оид характер, фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб беради. Масалан, чақалоқ йиғламаслиги учун унга овунчоқ беришади ва уни овутадиган ўйинларга жалб этишади.

## **IV. Турли жинсдагилар ўйинлари**

Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркак ва аёллар ўйинлари бўлган.

## **V. Машғулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинлар**

Тарихий жараёнда, термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, тикувчилик каби иш фаолияти билан боғлиқ ўйинлар шаклланиши бизга маълум.

## **VI. Воқебанд ўйинлар**

Театрлаштирилган (сюжетли) ўйинлар тарихий воқеаларни, ҳаётнинг таъсирли, қизиқарли дақиқаларини бадиий-ижодий ифодалайди. Бундай

ўйинларга: подшо вазир, ов ўйин, уриш ўйин, асир олиш, эчки-чўпон, бўрикўйлар ва бошқалар мисол бўла олади.

### **VII. Ҳаракатли ўйинлар**

Эпчиллик, чаққонлик, кўпчилик мусобақаси сифатида бир неча томонлар ўртасида ўтказилади. Буларга мисол қилиб, тепа кураш. кўрикчи, айланиб теп, қирқ тош, чиркаш (ёки чири кас) кабиларни кўрсатиш мумкин:

### **VIII. Турли воситали ўйинлар**

Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: моддий воситалар (овунчок, кўғирчок, ўйинчок ҳамда таёқ, тош, тўп, ёнғоқ кабилар) ёрдамида бажариладиган ўйинлар; - маънавий, бадий-ифодали воситалар (фикр, сўз, кўшиқ, рақс, театр кабилар) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар.

### **IX. Ҳайвонлар иштирокида ўтадиган ўйинлар**

Бу ҳолдаги ўйинлар энг қадимги ҳисобланади. Қадимги одамлар аввалига табиатнинг ўзида ҳайвонлар жангини томоша қилишган. Кейинчалик ҳайвонларни ушлаб, уларни махсус уриштиришган. Натижада бедана уриштириш, хўроз уриштириш, кўчқор уриштириш, ит уриштириш кабилар пайдо бўлган.

#### *Халқ ўйинларининг тикланиши. Фориш тажрибалари*

Маълумки, халқ ўйинлари кўпроқ кишилар анъанавий ҳаёт тарзида яшовчи чекка жойларда сақланиб қолган эди. Халқ анъаналарини ўрганиш мақсадида Ватанимизнинг чека, узоқроқ, жойларини кездик. Экспедициялар уюштирдик. Хусусан, Фориш, Ургут, Гиждувон, Қўшробот туманларига бориб, у ерларда дур ахтаргандек қадимги халқ ўйинларини излай бошладик. Айниқса, халқ ўйинлари Фориш туманининг тоғли жойларида яхши сақланиб қолган экан. Бу ерда 1985 йилдан буён кўплаб ишлар олиб борилди. Аввалига Бирлашган (Саримсоқ), Қамиш қишлоқлари қарияларидан 120 қадимий ўйин ёзиб олинди, сўнг бошқа қишлоқларга ҳам ўзига хос кичик экспедициялар уюштирилди. Вақт ўтиб халқ ўйинларини тиклашга келганда бир мунча қийинчиликлар, тусиқлар вужудга келди: ўйинлар унутилиб кетган, уларни тиклаб бўлмайди. "Ўйиндан бошқа ишимиз кўп" дейдиганлар ҳам топилди.

Чунки бу даврда (1986-1988 йиллар) халқ анъаналарини таъкидлаш тулқини яна кўзғолган эди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котиби Р.Абдуллаева халқ одатлари ва байрамлари жонкуярларини қандай жазолаётгани хақидаги гаплар энг чекка жойларгача етиб бормокда эди. Шу сабабли бўлса керак, 1987-1988 йиллар Фориш тадқиқотлари бир оз суствлашди. "Қарама-қаршилик одамларни чиниқтирди" деганларидек бу даврда йўқолган халқ маросимини сақлаш ғоялари янада синалди ва кучайди.

Натижада 1989 йил Фориш туманининг ўнлаб қишлоқларида (жумладан, Сайёд, Осмонсой, Илончи, Ишма, Учма ва бошқа жойларда) уч юзга яқин ўйин ёзиб олинди ва уларнинг кўпларини тиклаш йўллари излана бошланди. 1989 йил аввало, Бирлашган қишлоғида, сўнг туман маркази - Янгиқишлоқда халқ ўйинлари байрамини ўтказишга интилишлар бўлди. Бироқ бу иш амалга ошмади. Шундай бўлишига қарамасдан озгина вақтдан сўнг 1990 йил Сайёд ва Бирлашган қишлоқларига телеэкспедиция уюштирилиб, унинг натижалари телевидение орқали бир неча марта кўрсатилди.

Фориш ўйинларининг Ўзбекистон телевиденияси орқали намойиш қилиниши, аҳолининг халқ ўйинларига қизиқишини ошириб юборди ва бу "Халқ ўйинлари" байрамини кенгроқ доирада ўтказишга жиддий замин тайёрлади.

Ниҳоят, 1991 йил Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Жиззах вилоят ижроия кўмитаси, Фориш тумани раҳбарлари ёрдамида илк бор Жиззахда халқ ўйинларига бағишланган анжуман ва Форишда халқ ўйинлари байрами ўтказилди. Фориш халқ ўйинлари байрамининг асосий мақсади - унутилаётган халқ ўйинларини тиклаш ва тарғиб қилиш эди. Унда тумандаги хўжаликлар ва 13 мактаб жамоалари юзлаб ўйинларини қайта тиклаб, халқ олдида намойиш қилди. Чунончи, Фориш туманининг 7-мак(87)таби - *Тап тош, Анапай, Тикки, Отиб кочар, Курпа еллар, Дотди* каби; 33-мактаб - *От арава, Оппон Суппон, От ўйин, Дидириб топ, Жанбил, Дувбозор ўйин, Чекимтош, Ошиқ, Данак, Янғоқ ўйин*

каби; 5-мактаб - *Ботмон-ботмон, Бута солай, Хатламокчи, Подшо-вазир, Момо-момо, Хўроз уриштириши* каби; 19-мактаб - *Хўроз-хўроз, Бекки тош, Боғлиқ кўз, Тена кураш, Пиёда ва эшак, Пиёда кўпкари ва Эшак кўпкари* каби; 55-мактаб - *Чўп от, Пирмат эшак, Сажмин, Пир этди* каби; 1-мактаб - *Тақир-туқур қайрағоч, Олтин дарвоза, Тўғноғич, Аллам-буллам* каби; 2-мактаб - *Дўппи яшир, Уч-пой (олопой), Чавандоз, Яққол* каби; 30-мактаб - *Дурикчи, Доирадан уриб чиқар, Осмон-осмон, Чунка шувоқ, Сакка, Урда, Минди* каби; 6-хунар-техника билим юрти - *Подачи, Истандир, Танки, Аср олиш, Қочар тўп, Тақир-туқир, Ҳоз-ғоз, Чувалашма, Моллар, Товус, Даханаки жанг* каби ноёб ўйинларни тиклаб, намойиш этишди.

Шунингдек, Қизилқум, Чимкўрғон, Фориш, Кивон номли жамоа хўжаликлари, Учма, Сайёд, Бирлашган қишлоқлари вакиллари ҳам боболари севган анъаналарга янгидан жон бахш этишди. Хуллас, бу анжуманда халқ ўйинларини тиклаш, жонлантириш ва тарғиб қилиш борасида Фориш туманида 5-6 йил ичида қилинган илмий-тадқиқот ва амалий ишларнинг натижаси намоён қилинди, 30 жамоа (13 мактаб, 7 хўжалик, 10 дан ортиқ дасталар) юзлаб унутилган халқ ўйинларини тиклаб кўрсатишди.

Илк бор Форишда бўлиб ўтган "Халқ ўйинлари байрами"га Собиқ Иттифоқнинг турли жойларидан келган мутахассис-олимлар қайта тикланган ўзбек халқ ўйинларининг "Шохи" - "Улоқ" - "Кўпкари"га таклиф этилди. Меҳмонлар "Қизилқир" отчопарига ташриф буюриши билан хайратда қолишди: гўё улар ўйингоҳга эмас, "мўжизагоҳ"га тушиб қолгандай эди. Нега деганда, улар мингга яқин от-чавандоз қатнашадиган ва улкан табиий майдон - отчопарда бўладиган бундай ўйинни хаёлига сиғдира олмас эдилар. Улар ўзбек халқида бундай буюк ўйин бор эканлигига (88) қойил қолишди, ўз вақтида улоқнинг таъқиқланганини эшитиб, афсус қилишди ва уни кенг тарғиб қилиш лозимлигини кайд этишди.

Меҳмонлар чавандоз улоқчиларнинг мардонавор ҳаракатларига ҳам қойил қолишди. Айниқса, кўпчилик диққатини Пушкин-полвон деган чавандоз ўзига тортди. Чунки бу чавандоз фақат ўз лақаби билангина эмас,

балки ўзининг маҳорати, "алпомиш" қомати, қолаверса отининг гўзаллиги ва "учқурлиги" билан барчани қойил қолдирди.

Дарҳақиқат, бу чавандознинг асли исми Наимжон бўлса, ҳам у Пушкинга ўхшагани учун ҳам уни барча "Пушкин-полвон" деб чақирар экан. Бу бекорга айтилмаган бўлса керак. Чунки, ҳар бир соҳанинг ўз "Пушкин"лари бор. Пушкин - поэзия дарғаларидан бири бўлса, Наим - чавандозлар "Пушкин"и... Чунки, унинг ўзида ҳам, отида ҳам, ўзига хос поэзия бор. Наимжон ўзининг учқур ва гўзал оти билан кўпқари чопганда, улоқни олиб бораётганда ва уни маррага олиб келаётганида полвонлик, чакқонлик, мардлик билан бирга "чавандозлик поэзияси"ни ҳам яққол ҳис қилса бўларди.

Шунинг учун бўлса керак, қадимдан чавандоз - полвонлар элнинг энг машхур кишилари ҳисобланган, халқ қаҳрамонлари даражасига кўтарилган, улар ҳақида кўплаб афсоналар, дostonлар тўқилган. Кейинги йиллар давомида эса биз бошқа эллардан ўтган ўйин-мусобақа ғолибларини тарғиб қилиш билан овора бўлиб, ўз халқимизнинг амалий ўйин-томошалари қаҳрамонларини унутиб қўяёздик. Халқимиз орасида эса Наимжон (Пушкин)-полвон каби ҳаётда камтар, меҳнатда толмайдиган, майдонда жасур-мард ўғлонлар кам эмас. Ўз элининг асл фарзанди, қаҳрамони бўлган бундай марду майдон, полвон-чавандозларни яна эъзозлаш вақти келганлигини "Фориш халқ ўйинлари байрами" кунини янада чуқурроқ ҳис қилдик.

Фориш анжуманида байрам қатнашчиларининг диққатини кўп азалий ўйинлар ўзига тортди. Куйида Форишда тикланган халқ ўйинларининг яна бири ҳақида фикр юритамиз. Қадимий манбаларда "дук" номли жанг-мусобақа (89) бўлган деган маълумотлар бор эди. Бироқ, у бутунлай йўқолиб кетган дейиларди. Лекин қачонлардир машхур бўлган ходисалар бутунлай йўқолиб кетмай, қандайдир из қолдиради. Биз уни топишга интилдик.

Саксонинчи йиллар ўрталарида Фориш тумани Қамиш қишлоғида унутилган халқ одатлари ва ўйинларини ёзиб олиб юрганнимизда (ўтган асрда

туғилган) Шамсий бобо: "Биз ёшлигимизда "кара-тэ"га ўхшаган тепиш ўйинига тушиб турар эдик", деб қолди. Бу ўйинга қизиқиб, Бирлашган, Ишмадаги мактаб директорларига бу ноёб топилма ўйин-олишувни тиклашни илтимос қилдик. Дарҳақиқат, "Дук"- "Тепиш" шарқ халқларига хос бўлган япон "Кара-тэ"сига, Корея "Таэкван-до"си, Хитой "У-шу" олишувларидан қолишмас экан.

Хуллас, қадимий жанговор ўйин "Дук", "Тепиш" Ишма ва Бирлашган кишлоқ мактаблари директорлари ва ўқувчилари ёрдамида тикланди. Бу ўйиннинг Ўзбекистон телевиденияси орқали кўрсатилиши ва "Халқ ўйинлари" байрамида ҳам намоиш қилиниши - кўпчиликни лол қолдирди.

Хуллас, 1991 йилнинг бошларида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган халқ ўйинлари муаммоларига бағишланиб ўтказилган илмий-амалий конференция ва Форишда ўтказилган халқ ўйинлари байрами бу муаммога жамоатчиликнинг эътиборини қаратган биринчи ва жиддий анжуман бўлди.

Жумҳурият матбуотида чоп этилган мақолаларда Ўзбекистан телевидениясидаги кўрсатувларда Форишдаги "Халқ ўйинлари байрами"га юқори баҳо берилди. (91)

Бу тажриба ҳақида "Фориш ўйинлари"<sup>1</sup>, "Фориш оханглари" (режиссёр Т.Юнусов), "Унутилган ўйинлар" каби фильмларнинг олиниши бу бебаҳо бойлигимиз - қадимий ўйин маданиятимизни кенг тарғиб қилади.

---

<sup>1</sup>1991 йилги "Фориш ўйинлари" марказий телевидение ("Время" программаси)да, Ўзбекистон телевидениесида икки марта (24 апрель, 4 май) намоиш этилди.

### 3.2. Усмон Қорабоев маданиятшунос файласуф.

“Иқтидорли инсон кўлга киритган ютуқлар бутун жамиятнинг мулкига айланади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистон заминида минг йиллар давомида яратилган маънавий мерос нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсониятнинг фахрига айланмоқда. Ўзбек халқи маданий меросининг умумбашарий қадрият сифатида қайта эътироф этилишини мустақиллик даврида бошланган миллий-тарихий тикланиш жараёнининг ҳосиласи, деб баҳолаш лозим” деб ёзади биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгач, аждодларимиз томонидан минг йиллар давомида яратилган бебаҳо маънавий меросимизни тиклаш ва янада ривожлантириш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистон халқаро миқёсда мустақил субъектга айланиб, 1992 йилда БМТга, 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Шундан буён Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, шунингдек, “Алпомиш” достони яратилганининг 1000 йиллиги, “Авесто”нинг 2700 йиллиги, Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги тантаналари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кенг нишонланди. Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Буюк аждодларимиз Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод таваллудлари билан боғлиқ йирик саналарга бағишланган тадбирлар ҳам ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Мустақиллик туфайли урф-одатларимиз, миллий ўйинлар, диний қадриятлар, кўпгина анъанавий ижод турлари, жумладан, халқ

хунармандчилиги, қадимий кўшиқлар – катта ашула, лапар, алла; дорбозлар санъати кабилар тикланиб, бугунги кунда нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқларининг бебаҳо мероси сифатида башарият мулкига айланмоқда. Жумладан<sup>1</sup>:

- ХХІ аср бошида Бойсун халқ оғзаки ижодиёти (2001 йил 18 май), сўнгра мумтоз мусиқамиз “Шашмақом” (2003 йил 7 ноябрь) умуминсоний номоддий қадриятлар таркибига киритилган эди.

- 2009 йил 28 сентябрь – 2 октябрь кунлари ЮНЕСКОнинг Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтган Номоддий маданий мерос бўйича навбатдаги 4 ҳукуматлараро кўмитаси сессиясида Наврўз ва Катта ашулани номоддий маданият дурдоналари қаторига киритишни бир овоздан маъқулладилар.

- 2014 йил 27 ноябрда ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган Номоддий маданий мерос бўйича навбатдаги 9 сессиясида ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим жанри - Аския ҳам инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдонаси сифатида рўйхатга олинди.

Шундай қилиб, 2001 йил 18 май Бойсун халқ оғзаки ижодиёти, 2003 йил 7 ноябрь мумтоз мусиқамиз “Шашмақом”, 2009 йил 30 сентябрда Наврўз ва Катта ашула ҳамда 2014 йил 27 ноябрда Аския ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдонаси сифатида рўйхатга олинди.

Ўзбекистоннинг 5 маданий мероси инсониятнинг бебаҳо маънавий дурдонаси сифатида эътироф этилиши тарихий воқеа бўлди. ЮНЕСКО томонидан Бойсун халқ оғзаки ижодиёти, мумтоз мусиқамиз “Шашмақом”, Наврўз (БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессияси (2010 йил 23 февраль)да қабул қилинган резолюцияда 21 март “Халқаро Наврўз куни” деб эълон қилинди) ва Катта ашула ва ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим жанри – Аския умуминсоний номоддий маданий мероси дурдонаси сифатида

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Жаҳоний эътироф. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Саид Шермухамедов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган) Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Гулистон: Университет, 2015. 41-43-бетлар.



рўйхатга олиниб, уларни жаҳон эътироф этгани халқимиз маънавий-маданий мероси нақадар қадимий ва теран эканлигининг яна бир тасдиғидир.

Қуйида 2014 йил умуминсоний номоддий маданий мероси дурдонаси сифатида рўйхатга олинган ўзбек халқ ижодининг жанри – Аскияга эътиборимизни жалб этамиз.

Ўзбек халқининг серқирра, гўзал, мазмундор маданият шакллари орасида аския энг сеvimли турлардан бири ҳисобланади. Чунки халқимиз қадимдан ҳазил-мутойибани, кулгини бениҳоя сеvim келади. Ўзбек халқ маданияти ва санъатининг кўпгина анъанавий турлари (масхарабоз ва қизиқчилар, кўғирчоқбозлар томошалари) ҳажвий характерда бўлганлиги бежиз эмас. Аския – ўзбек халқ санъатининг муайян тарихий тараққиёт йўлига эга бўлган қадимий ва энг сеvimли жанрларидан бири. Аскиянинг дастлабки шакли уруғчилик даврида пайдо бўлган. У кўп асрлардан бери халқ турмушида мавжуд бўлган. Алоҳида жанр сифатида, асосан, XV асрдан шаклланган. Ҳозирги даврга келиб жаҳонда аналог (ўҳшаши) йўқ санъатга айланган.

Аския – (арабча – закий, ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб) ўзбек халқ оғзаки ижоди тури; фольклор жанри; икки ва ундан зиёд киши ёки гуруҳнинг халқ йиғинлари (сайил, тўй, байрам)да маълум мавзу бўйича бадиий сўз тортишуви. Тарафлар баъзан даврада ҳолда тез жавоб беришга, жавоблари лўнда, тағдор, сермаъно, латиф таъсирли, жозибали ва кулгили чиқишига ҳаракат қиладилар. Жавоб топишда қайси тараф мавзу, жанр доирасидан четлашса ёки сўз танлашда палапартишликка йўл қўйса, ўша тараф енгилган ҳисобланади. Томошабин ўз кулгуси ва эҳтиросли қийқириқлари билан тарафлар ва уларнинг жавобларига баҳо бериб боради; мазмундор, серқочирим аскиядан завқланади, саёз, бачкана ва кўполларидан ранжийди. Аскиянинг мазмунли, серзавқ, кулгили чиқишида тарафлардан ҳозиржавоблик, бадиҳагўйлик, шунингдек, мавзуга алоқадор кенг ва чуқур маъноли сўзларни топа билиш, юз, кўз, қўл, тана ҳаракатларидан, товуш ва имо-ишоралардан ўринли фойдалана билиш талаб этилади.

Аския турларини мукаммал эгаллаган, катта давраларда тортишаоладиган кишилар аскиячи, аскиябоз деб аталади. Туркистонда бундай кишилар бадихагўй номи билан ҳам юритилган. Аскиячи тилнинг кенг имкониятлари нипухта эгаллаган бўлиши, сўз ўйини, қочирим, ҳазил - мутойиба, киноя, ташбех, кесатик, ўхшатиш, муболага, масхара каби ҳажв санъати воситаларидан усталик билан фойдалана олиши лозим. Аскияда закийлик, ҳозиржавоблик асосий мезон ҳисобланади. Аскиянинг вазифаси кулги чиқариш орқали кишиларнинг кайфиятини ростлаш, уларга завқ бахш этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чархлаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу билан бирга, турмушдаги ва айрим кишилар хулқидаги камчиликлар устидан енгил кулги уйғотишдир.

Аскиянинг пайров, қофия, радиф, тутал, ўхшатим, бўласизми, баҳри байт, сафсата, “гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз”, ширинкорлик, афсона, раббия, лақаб каби кўплаб турлари мавжуд.

Аския – ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, халқ ҳаётининг мазмунини, меҳнат ва маданиятини, кишилар ўртасидаги муносабатларни, қарама-қаршиликларни, шунингдек, кишилардаги дунёқарашни ўзида акс эттирадиган ўзбек санъатининг анъанавий оригинал ижодий ҳажвий жанри. У инсон тафаккурининг ҳозиржавоблигини, зеҳни, фикрининг мантиқийлигини ўзида яққол ифода этади.

Аския – бадий ижод шакли. Чунки унинг негизида нутқ маданияти, тил бойлиги, бадий-образли талқин этиладиган мазмун-мавзу (пайров), ғоя, воқеалар характери ўз ўрнини топади. Айтиш мумкинки, аския халқ бадий ижодининг ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттирадиган, оригинал шаклидир.

Булардан ташқари, аския – инсон соғлиғи, унинг кайфияти учун ҳам энг таъсирчан “дори” дир. Халқимиз: “Бир марта дилдан кулган кишининг умри бир кунга узаяди”, – дейиши бежиз эмас, албатта. Жойларда соатлаб, баъзан эса бутун оқшом давом этадиган кулги-аския кечаларининг киши саломатлигига нечоғли фойда келтиришини тасаввур этишнинг ўзи кифоя.

Аския – мазмунан бой ва қизиқарли дам олиш шаклларида бири. У кишиларнинг меҳнатдан бўш вақтида, байрамларда, сайилларда, тўйларда ва бошқа халқ йиғинларида ижро этилади. Илгари аския ва кулги кечалари ўтадиган жойларда халқ кўп йиғилган. Масалан, Тошкент маданият ва истироҳат боғларида аския бўлган куни томошабинлар ниҳоятда кўп бўлган. Андижон шаҳар боғида эса очик майдонлар у ёқдатурсин, дарахтларнинг устида ҳам бўш жой қолмаган.

Мустақиллик йилларида аския янги мазмун касб этиб, ривожлана бошлади. Ҳозирда ҳам байрам, сайиллар ва тўй маросимларида аския мусобақалари, кечалари, аскиячиларнинг республика кўриклари уюштирилади. Ҳатто, Қўқонда профессионал Аския театри ҳам вужудга келмоқда.

Ўзбек халқи тарихий – маънавий қадриятларига жуда бой. Улар ичида инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдонаси сифатида рўйхатга олинмаган тур ва жанрлари кўп. Жумладан, урф-одатларимиздан бешикка оид одатлар, миллий ўйинларимиздан дорбозлар санъати ва улоқ, кўпгина халқ ҳунармандчилиги турлари, анъанавий ижод жанрларидан – ўзбек дostonчилик ва қорақалпоқ жировчилик мактаблари, Алпомиш эпоси, қадимий кўшиқлар – лапар, алла, чертим мусиқа санъати бўйича – танбур, кўбиз ижрочилиги, миллий таомимиз - палов нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқларининг бебаҳо мероси сифатида башарият мулкига айланишга ҳақли.

### *Бўш вақт ва дам олиш маданияти<sup>1</sup>*

Одатда, кишининг вақтини (умумий вақт бюджетини) икки асосий гурпуага - иш вақтига ва ишдан ташқари вақтга бўлишади.

Иш вақти - ишлаб чиқариш, жамият моддий бойликларини яратиш, шахсий моддий эҳтиёжини қондириш учун сарф бўладиган вақт миқдори. Бундай меҳнатнинг мақсади фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш бўлиб

---

<sup>1</sup> Қорабоев У. Бўш вақт ва дам олиш маданияти. -Т.: Ўзбекистон, 1989. 9-11-бетлар.

қолмай, балки жамият бойлигини ривожлантириш, мамлакат моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Иш вақти йиллик вақт бюджетининг ўрта ҳисобда 17 процентини ташкил қилади.

Ишдан ташқари вақт деганда эса, кенг маънода, белгиланган ижтимоий фойдали меҳнат вақтидан ташқари бўш вақт ҳам, инсон ҳаёти-турмуши, дам олиши учун зарур бўлган вақт, яъни зарурий вақт ҳам тушунилади.

Зарурий вақтни қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

а) меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган тушки танаффус (тушлик қилиш, дам олиш), ишга бориш ва келиш учун сарфланадиган вақт;

б) оила эҳтиёжи учун, болалар тарбияси, овқат тайёрлаш, бозор қилиш, магазинлардан керакли буюмларни сотиб олиш, уй жиҳозларини, кийимларни тартибга келтириш ва ҳоказоларга кетадиган вақт;

в) физиологик эҳтиёжлар, овқатланиш, гигиена ва ухлаш учун сарфланадиган вақт.

Бўш вақт - дам олиш, чарчоқни чиқариш, маънавий ва жисмоний раванг топиш учун сарфланадиган вақт. Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида бўлади. Бўш вақтда билим ва малака ошириш (ўз устида ишлаш) ижтимоий-сиёсий фаолият, спорт ва ҳаваскорлик *ижоди билан шуғулланиш маданий дам олиш* сарф қилиш каби кўплаб фаолиятлар билан шуғулланиш мумкин.

Шундай қилиб, кишиларнинг умумий вақт бюджетини қуйидагича ифодалаш мумкин:

**Иш вақти:** ишлаб чиқариш учун, моддий эҳтиёжни қондириш ва жамият, моддий бойликларини яратиш учун сарф бўладиган аниқ миқдордаги вақт.

**Ишдан тарқари вақт:**

а) Зарурий вақт: турмуш, оила-хўжалик ишлари, бола тарбияси, шахсий физиологик эҳтиёжлар уйқу, овқатланиш, санитария-гигиена кабилан учун сарф бўладиган вақт.

б) Бўш вақт: маданий дам олиш, билим ва малака ошириш, спорт ва

бадий ҳавоскорлик ва ҳоказалар билан шуғулланиш учун кетадиган вақт.

Кўриниб турибдики, ишдан ташқари зарурий ва бўш вақтлар ўртасига чегара қўйиш, унинг аниқ миқдорини белгилаш жуда қийин. Шундай бўлсада, ҳафталик вақт бюджети 168 соатдан иборат бўлса, унинг тахминан 40 соати иш вақти, 50 соати уйқу билан ўтар экан, 34 соати бўш вақт бўлар экан, 44 соатдан ортиғи зарурий юмушлар, маиший эҳтиёжни қондириш ишлари ва ҳоказоларга кетар экан.

Агар кишиларнинг кундалик умумий вақт бюджетини 4 қисмга бўлсак, унинг бир қисмини-иш вақти (7-8 соат), иккинчи қисмини-бўш вақт (4-5 соат), учинчи қисмини-уйқу (7-8 соат), қолган қисмини бошқа зарурий фаолиятлар-ишга бориш учун транспортда, пиёда юриш ва ҳоказолар (4-5 соат) ташкил қилар экан.

Социологларнинг ҳисобича, ҳафтада шаҳарликларнинг бўш вақти 34-36 соатга, қишлоқ жойлардаги меҳнаткашларнинг бўш вақти эса 28-32 соатга тўғри келар экан (бунга зарурий вақт кирмайди). Шаҳарликларнинг бўш вақти (йиллик отпускаи вақтини ҳам ҳисобга олса) деярли уларнинг асосий иш вақтига тенг келиб, йилига тахминан 1. 700 соатни ташкил қилади. Бўш вақт йиллик вақт бюджетининг тахминан 7-19 процентга тенг эканлиги намоён бўлади.

Бўш вақт миқдорига кўра дам олиш вақти қуйидагиларга, яъни кундалик дам олиш, ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари ва йиллик дам олишларга бўлинади.

Кундалик дам олиш-бир кун давомида, яъни иш вақти тугагандан бошлаб то ухлашгача бўлган бўш вақтда қилинадиган фаолиятларни ўз ичига олади.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида илдам қадамлар билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашган, бизнинг кундалик ва назарий онгимизда ўз ўрнига эга бўла бошлаган фалсафа тушунчаси узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Истиқлол йилларида бу тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди.

Халқимизнинг миллий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий етук, фидоий, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларни фидоий кишилар қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Биз қадриятлар, миллий қадриятларга содиқ қолиш, уларнинг жамиятда ўрнини белгилашга киришар эканмиз, миллий фалсафамиз ва унинг таркибий қисми бўлган сирдарё фалсафасини ўзига хос равишда намоён бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Давр ўтиши, вақт ва замон ўзгариши, жамият тараққиёти билан одамларнинг ҳатти-ҳаракати, турмуш тарзи, бошқалар билан муносабати, меҳр-оқибати, ўзаро ёрдами, эзгуликка интилиш шакллана борди.

Сирдарё фалсафасининг типик вакили Усмон Қорабоев илмий меросини ўрганмасдан туриб асрлар давомида кишилараро муносабатда шаклланган одамийлик ҳислатлари, юксак фазилатлари, миллий ва умуминсоний ахлоқий нормаларни шакллантириш мушкул деб ўйлаймиз. Модомики, шундай экан, вилоятимизда яшаб ижод этган, яшаётган файласуф олимларнинг миллий фалсафамизга берган эътибори, илмий меросини ўрганишга эътиборни янада кучайтириш керак.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи мустақиллик йилларида маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик қарашларни тадқиқ қилиш, ўзбек миллий фалсафасини чуқур ўрганиш, уларни ёшлар онги ва шуурига

сингдириш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, ҳали булар етарли эмас. Шу вақтгача фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик ҳамда қўлланмаларда миллий фалсафамизнинг сирдарёлик файласуфлар меросини ўрганишга жуда кам жой ажратилган. Уларнинг илмий мероси, бошқа минтақаларда файласуфлари билан ўзаро алоқалари кенгрок ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш жараёнини тезлаштирар эди.

Юқоридаги боб ва параграфларни таҳлил қилиб ва атирофлича ўрганиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

-фалсафа ва фалсафий тафаккур инсоният ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, ўзига хос ҳодисалардан биридир. Миллий ва минтақавий фалсафа доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиб келганлар;

-миллий фалсафа умуминсоний фалсафа каби жамият тараққиётида муҳим ўрин тутуди;

- мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллик урф-одат ва анъаналари, миллий фалсафаси тикланди, янада такомиллаша бошлади;

-сирдарёлик файласуфлар, жумладан Усмон Қорабоев илмий меросида ҳам фалсафанинг инсон камолотида ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаганлар;

-миллий ва минтақавий фалсафа ёшларни яхшиликка, ҳақиқий комил инсон бўлишга етаклайдиган муҳим омилдир.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний кадрятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; ватанпарварлик<sup>1</sup> эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Миллий фалсафамиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошади, чунки маънавий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан босиб ўта олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз натижалари бўйича қуйидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

1. Замонавий ўзбек фалсафаси тарихида профессор Усмон Қорабоевнинг илмий ғоялари Ватанимиз маданияти фалсафаси тарихида алоҳида бир даврни ташкил этади. Айниқса унинг илмий меросини ўрганиш Жиззах ва Сирдарё вилояти аҳолиси учун фойдадан холи бўлмайди. Шунинг учун ГулДУ Ижтимоий-иқтисодий факультети “Тарих” ва “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим” бакалавр йўналишида махсус курс сифатида жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу жараёнда замонавий ўзбек файласуфларининг ҳаёт йўли ва жасорати аҳамиятлидир. Шу маънода, тарбия жараёнлари билан шуғулланадиган муассасалари учун “Усмон Қорабоев фалсафаси” номли рисола чоп этиш зарур.

3. Замонавий ўзбек фалсафаси намоёндаларининг профессор Усмон Қорабоевнинг маданият, маърифат, тарбия ва тнология, урф-одатлар билан боғлиқ ғоялари ва ҳаётий ибрат мактабини барча маданий тадбирларда кенг фойдаланиш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ва бу борада туркум маълумотларни бериб борувчи кўрсатув, эшиттиришларни йўлга қуйиш керак.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият. -Т.: Ўзбекистон, 2006.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил.
5. Ўзбекистон файласуфлари. Библиографик маълумот. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
6. Қорабоев У. Авесто-маданият илдизлари. “Тафаккур” 2001 йил № 1 сон. 80-85-бетлар.
7. Қорабоев У. Бадиий-оммавий тадбирлар. -Т.: Ўқитувчи, 1986.
8. Қорабоев У. Табиат байрамлари. -Т.: Меҳнат, 1988.
9. Қорабоев У. Бўш вақт ва дам олиш маданияти. -Т.: Ўзбекистон, 1989.
10. Қорабоев У. Наврўз-халқ байрами. -Т.: 1990.
11. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. -Т.: Ўқитувчи, 1991.
12. Қорабоев У. Клубда маданий-оммавий тадбирларни ташкил қилиш жараёни. -Т.: 1986.
13. Қорабоев У. Биринчи қадам. -Т.: 1986.
14. Қорабоев У. Пахтакорлар байрамлари. -Т.: 1986.
15. Қорабоев У. Умримизнинг қувноқ онлари. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, № 3-сон.
16. Қорабоев У. Азалий ва абадий қадрият. -Т.: Республика маънавият ва маърифат маркази, 1995.
17. Қорабоев У. Энг қадимий одатлар. -Т.: ОЎМТВ, 2000.
18. Қорабоев У. Наврўз. -Т.: Академия, 2000.
19. Қорабоев У. Халқ ўйинлари. -Т.: 2001.

20. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. -Т.: “Шарқ”, 2002.
21. Қорабоев У. Маданий тадбирлар. -Т.: 2003.
22. Қорабоев У. Жаҳоний эътироф. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусида (Академик Саид Шермухамедов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган) Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Гулистон: Университет, 2015.
23. Усмон Ҳосил ( Усмон Қорабоев). Одатнома. -Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
24. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)
25. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
26. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
27. [www.history.uz](http://www.history.uz)
28. [www.kun.uz](http://www.kun.uz). жамият
29. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
30. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

## МУНДАРИЖА:

КИРИШ .....	3
I-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ	
МЕРОСИ .....	8
1.1.Усмон Қорабоев фаолиятининг қирралари .....	8
1.2.Усмон Қорабоевнинг илмий мероси .....	12
II-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА МИЛЛИЙ	
УРФ-ОДАТЛАР ТАЛҚИНИ .....	25
2.1. Усмон Қорабоев миллий байрамлар ҳақида .....	25
2.2. Усмон Қорабоев урф-одатлар ҳақида .....	35
III-БОБ. ПРОФЕССОР УСМОН ҚОРАБОЕВ ЭТНОГРАФ ВА	
МАДАНИЯТШУНОС ОЛИМ .....	41
3.1. Усмон Қорабоев етук этнограф .....	41
3.2. Усмон Қорабоев маданиятшунос файласуф .....	55
ХУЛОСА .....	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	65